

Оила  
мамлакатнинг,  
демак, Ватаннинг  
буюк келажagini  
улгайтирувчи  
муқаддас бешик.

Ислом КАРИМОВ



# Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2012-yil 1-fevral, chorshanba № 9 (8450)

## ЁШ ПЕДАГОГЛАР

оилада бахтиёр турмуш кечириб, мактабда самарали  
меҳнат қилмоқда



Ватан ичра бир Ватан, дея таърифланадиган оиланинг ҳар бири юртимизда муқаддас кўрғон сифатида қадрланади. Ана шундай муқаддас кўрғонни асраб-авайлаб, аҳил-иноқ яшаётган Қахрамон ва Матлуба Алимардоновалар оиласи ҳам нафақат маҳаллада, ўзлари ишлайётган жамоада ҳам намунали саналади.

2012-yil —  
Mustahkam oila yili

Қахрамон ҳам, Матлуба ҳам олий маълумотли педагог, қолаверса, иккиси ҳам битта таълим муассасасида — пойтахтимиздаги 20-мактабда ёш авлодга сабоқ бериб келмоқда. Қ.Алимардонов математика фани ўқитувчиси, Матлубахон эса тарих фанидан дарс беради.

— Мамлакатимизда оилани мустаҳкамлаш йўлидаги ишлар халқимизнинг миллий менталитетини, шарқона яшаш тарзини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилмоқда, — дейди Қахрамон Алимардонов. — Мустаҳкам оила йиллида юртимизда ҳар бир оиланинг бахтли ва фаровон ҳаёт кечириши учун янада кенг кўламли ишлар амалга оширилиши, шубҳасиз. Биз ҳам ёш оила сифатида, қолаверса ўқитувчи-педагог сифатида ушбу ишларга ўз ҳиссамизни қўшамиз.

Бурҳон РИЗОКУЛОВ  
олган сурат.

Бугуннинг ёшлари — истиқлол авлоди эришайётган муваффақиятлар ҳақида эшитавериб, ҳайратланмай ҳам қўйдик. Зукко ва салоҳиятли ёшларнинг турли соҳаларда кўлга киритаётган унча-мунча ютуқларини оддий ҳолда қабул қиламиз. Сабаби аён: замонга мос ёшлар анча илгарилаб кетишган. Ёш авлодга яратилаётган имконият, шарт-шароитлар уларнинг руҳиятини кўтариш билан бирга, қалбларида масъулият, эътиборга муносиб бўлиш ҳиссини уйғотаётир.

### Istiqlol va imkoniyat

## ЯКУНИЙ ВА БОСҚИЧЛИ НАЗОРАТ СИНОВИ

сарҳисоб, таҳлил ва хулосалар мезони

## ЭРТАДАН УМИД ҚИЛСАНГ, БУГУНДАН ҲАРАКАТ ҚИЛ!

Исломбек Қутфиддиновни ҳам ҳеч иккиланмай ана шундай ёшлар сафига қўшиш мумкин. Исломбек истиқлол тенгдоши. Ота-онаси эзгу ниятлар билан унга шу исмини қўйишган. Ёш бўлишига қарамай, шу пайтгача бир қанча ютуқларга эриш-

ган. Мутахассислиги бўйича иқтисодчи. Куни кеча олий ўқув юртини тамомлаган изланувчан йигит айна пайтда "Водий-ёғоч-савдо" хусусий корхонасида иш бошқарувчи.

(Давоми 7-бетда.)

Ҳар бир якун сарҳисоб, таҳлил ва хулосалар билан ўзига хос қийматга эга. Ўқув йилининг ҳал қилувчи иккинчи ярми бошланиши билан ўқувчилар ҳам, устоз-мураббийлар ҳам ана шу муҳим воқеликка тайёргарликни бошлаб юбордилар. Битирувчи синф ўқувчилари ўз келажак йўлини аниқ ва қатъий белгилаб, якуний давлат аттестацияларига ҳозирликни бошлаб юборса, қуйи синф ўқувчилари синфдан-синфга ўтиш — босқичли назорат имтиҳонларига жиддий тайёргарлик кўради. Шу маънода, Ўзбе-

кстон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида»ги 203-сонли қарорини ҳаётга татбиқ этиш, умумий ўрта таълим муассасаларида 2011-2012 ўқув йилини якунлаш, ўқувчиларнинг билими, малака ва кўникмаларини якуний давлат аттестациясидан ўтказиш ва синфдан-синфга кўчириш бўйича босқичли назорат имтиҳонларини ўтказиш мақсадида Халқ

таълими вазирлигининг буйруғи қабул қилинди.

Мазкур буйруққа биноан, мамлакатимиздаги барча турдаги умумий ўрта таълим муассасалари, махсус мактаб ва мактаб-интернатларда ўқув машғулотлари 25 майда тугалланиши белгиланди. «Ҷақриққача ёшларни тайёрлаш» фани бўйича ўғил болалар учун ўқув-дала машғулотлари ўқув йили якунланиши олди-дан 3 кун (18 соат) давомида шу ўқув фанига ажратилган дарс соатлари ҳисобидан мактаб ҳудудида ўтказилади.

(Давоми 8—9-бетларда.)

ГАЗЕТАНИ  
ВАРАҚЛАГАНДА:

### ANIQLIK VA ZAMONAVIYLIK DARSI

umumta'lim maktablarida  
matematika va informatika fanlari  
oyligini tashkil etish va o'qitish  
yuzasidan tavsiyalar

6-бет

### МАХСУС МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ

унда тиббий ва таълимий  
коррекциялашга асосий  
эътибор қаратилмоқда

10-бет

### БАХТИНИ АНДИЖОНДАН ТОПДИ

Қувонарли жиҳати шундаки, ёш оилада айна дамда Шохина исмли жижжи қизалоқ улгаймоқда. У ақинда 4 ёшга тўлади, аммо ҳозирда ноқ курашининг баъзи услубларини ўзлаштириб олган. Буни кўрганлар «Полволик қизалоқнинг қонида бор-да», дейишади ҳайратланиб.

15-бет

# МАЪНАВИЯТ КУНИДА

**талабалар Президентимизнинг  
“Ўзбекистон мустақилликка  
эришиш остонасида” китобини  
ўрганишмоқда**

Институтимизда ҳар ойнинг охири чоршанбаси маънавият куни, деб эълон қилинган. Биз талабалар ушбу кунни орзиқиб кутамиз. Бойси, шу кунни домлаларимиз мамлакатимизда ва жаҳонда рўй бераётган янгилликлар билан таништирадлар, янги чоп қилинаётган бадиий ва илмий адабиётларни таҳлил қилиб берадилар. Ўзимиз ҳам шу кунга пухта тайёргарлик қўриб келамиз. Мутолаа қилган янги китобларимиз, ўқиган газета-журналларимиздаги мақолалар мазмун-моҳиятини дўстларимиз билан ўртоқлашамиз. Тадбирларда факультетимиз профессор-ўқитувчиларидан ўзимизни қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб оламиз. Шунингдек, Юртбошимизнинг кўплаб асарлари билан яқиндан танишиш, уларни ўқиб-ўрганишимизда ҳам бу куннинг аҳамияти юқори бўлмоқда.

Январь ойидаги маънавият куни янада сермазмун кечди. Бу кун Президентимизнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китоби мазмун-моҳиятини ўрганишга бағишланиб, факультетимиз декани Қувон Елгандиев, гуруҳ раҳбаримиз Азиза Усақова ушбу асарнинг тарихий аҳамияти, қадр-қиммати хусусида кенг тўхталдилар. Жумладан, истиқлолга эришиш осон бўлмаганлиги, мустақилликни мустақамлаш янада машаққатли эканлиги, бу борада давлатимиз раҳбарининг маънавий жасорати, олиб борилаётган доно сиёсатининг аҳамияти беқиёслиги хусусида гапириб ўтдилар.

Биз талабалар ушбу асарни мутолаа қилиб, домлаларимиз билдирган фикр-мулоҳазаларини нақадар тўғрилигига ўзимиз ҳам амин бўлдик. Ушбу китоб бизнинг нафақат дунёқарашимизни бойитишга, балки қалбимиздаги ватанпарварлик, юртта садоқат туйғуларини янада мустақамлашга хизмат қилади. Истиқлолни, бугунги озод ва обод кунларни қадрлашга даъват қилади. Ушбу бебаҳо асарни ўқигач, келажак ҳаётимиз учун янги режалар ҳам тuzиб oldik.

**Маҳфуза ТҮРАБОЕВА,**  
Ажиниёз номидаги Нукус давлат  
педагогика институти физика-математика  
факультети талабаси

Умумий ўрта таълим мактабларининг информатика фани бўйича энг иқтидорли ва қобилиятли ўқитувчи ҳамда ўқувчиларини аниқлаш, уларни қўллаб-қувватлаш, ахборот-коммуникация технологияларини дарс жараёнида кенг қўламда қўллашга эришиш, жаҳон ахборот тармоқларида Ўзбекистон Республикаси умумтаълим тизимига тегишли маълумотларни кўпайтириш мақсадида ташкил қилинган «Электрон ахборот-таълим ресурслари-2012» кўрик-танловининг республика босқичи нихосига етди.

нинг яқунловчи босқичи Бухоро шаҳрида бешинчи марта ташкил қилинаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шунингдек, йилдан-йилга янги иқтидорлар номини аниқлашга эришаётганимизни қувонч билан айта оламиз. Олдинги йилларга нисбатан бу йил, айниқса, ўқувчиларнинг иштироки сезиларли даражада ортган. Уларнинг ҳозиржавоблигига, янги дастур яратишга бўлган иштиёқига ва бу соҳада чуқур мушоҳада юритиш қобилиятига ҳавас қилиш мумкин. Танловга қатнашчилар то-

**Ko'rik-tanlov**

дарс ишланмалар, видеоролик, дидактик материаллар», «Назорат қилувчи дастурлар, дарс жараёни ва мактаб бошқаруви автоматлаштирилган иш жойлари» сингари учта номинация бўйича танлов ғолибларини тақдирлаш маросими Бухоро шаҳридаги 4-болалар мусика ва санъат мактабида бўлиб ўтди.

Умумий ўрта таълим, ихтисослаштирилган умумтаълим

## ЭНГ ЯХШИ ЭЛЕКТРОН АХБОРОТ-ТАЪЛИМ РЕСУРСЛАРИ

— Ушбу танлов ўқитувчи ва ўқувчиларда ахборот технологияларини ўрганишга бўлган қизиқишни янада кучайтиришга хизмат қилмоқда, — дейди биз билан суҳбатда Республика таълим маркази «Таълим жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш» бўлими бош методисти Баҳоидир Болтаев. — Мактаб ўқувчилари ва муаллимлари орасида ўтказиш айнага айланиб қолган танлов-

монидан тақдим қилинган дастурларнинг энг сифатлиларини республика миқёсида оммалаштиришни режалаштирдик.

Уч кун давом этган кўрик-танловда 200 нафардан ортиқ ўқувчи, 120 нафар ўқитувчи иштирок этди. Иккита йўналиш ва «Компьютер ўқув ўйинлари ва тренажёрлар ҳамда видеороликлар», «Электрон ўргатувчи дарсликлар (электрон қўлланмалар, электрон

ва махсус мактаб ўқувчилари йўналиши бўйича фахрли биринчи ўрин Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 232-мактаб ўқувчиси Жаҳонгир Акромовга насиб этди. Иккинчи йўналиш, яъни Умумий ўрта таълим, ихтисослаштирилган умумтаълим ва махсус мактаб ўқитувчилари орасида фахрли биринчи ўринни Бухоро шаҳридаги 17-мактаб ўқитувчиси Ҳақим Рустамов эгаллади.

**Сора ТОШЕВА**



Китоб туманидаги 31-мактабнинг тарих ва ҳуқуқ фанлари ўқитувчиси Феруза Расулованинг 5-синфда “Туркистон маърифатпарварлари” мавзусидаги очиқ дарси ўқитувчи ва ўқувчиларга бирдек манзур бўлди.

— Ўйлайманки, мамлакатимиз ва дунё халқлари тарихига қизиқмаган ўқувчи бўлмаса керак. Бизнинг мактабимиз ўқувчиларининг бу борадаги қизиқишлари ўзгача. Шундан келиб чиқиб биз ўқитувчилар ҳар бир дарс машғулотининг қизиқарли, баҳс-мунозарали бўлишига ҳаракат қилмоқдамиз. Айниқса, дарсларнинг янги педагогик технология асосида бошқа фанларга боғлаб олиб борилиши ўқувчиларнинг фанга бўлган қизиқишларини янада оширмоқда, — дейди Ф.Расулова.

**Ўктам МЕЙЛИЕВ**

2012 йилнинг «Мустақам оила йили» деб номланиши ҳаммадан кўпроқ биз маҳалла маслаҳатчиларини хурсанд қилди, десам муболага қилмаган бўлман. Сабаби, маҳалла ватан ичра кичик бир ватан, ўша ҳудудда яшовчи ҳар бир киши учун азиз гўшадир. Ҳеч эътибор берганимиз, ким биландир танишаётганингизда «Фалон маҳалладанман, бизнинг қишлоқдан фалончи-фалончилар чиққан» дея фахр билан тилга олади. Маҳалла маънавий номини айтсак, ортимизда мустақам тоғ тургандек гурурланамиз. Оилалардан ҳар бир яхши-ёмон кун, албатта, маҳалла фаоллари, кўпни кўрган кексалар билан ҳал этилади. Турли тадбирлар ҳам отахон-онахонлар билан файзли ўтади. Маҳалладаги бирор оила нотинч бўлса, шу ерда истиқомат қилувчи кайвони, тажрибали кишиларнинг ҳам кўнгли тинчмайди. Чунки кексаларимиз ҳар қандай вазиятда ҳам оила тинчлиги, фарзандлар камоли, ҳар бир мурғак гўдакнинг тақдирини жамият келажакни белгилаб беришга қаттиқ иштирокида.

## ҚИЗЛАР ЎРГАНГАН ҲУНАР бир умрга асқотар

Ўсиб келаётган ёш авлод банимисоли бир нихол. Унинг тўғри ва чиройли ўсиши кўп жиҳатдан боғбонга боғлиқ. Боғбон эса ота-она, маҳалла кўйи ҳисобланади. Қадимда қандай ҳолларда оилалар барбод бўлган, деган савол тўғрилиги табиий. Эру хотин аёл хиёнати, фарзандсизлик туфайлигина эришаётганлиги сабабми ёки четдан келаётган «оммавий маданият» таъсирими, айрим оилалар дарз кетиб, болалар етим қолмоқда.

Оз бўлса-да, учраб турадиган бу каби кўнгилсизликларнинг олдини олиш, йигит-қизларга оиланинг муқаддас кўрғон эканлигини ўқитиш,

тушунтириш мақсадида бизнинг «Ҳақиқат» маҳалласида ҳам бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Биз маҳалла фуқаролар йиғини аёллар бўйича диний маслаҳатчилари Президентимизнинг қарор ва фармонларида тилга олинган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида кўпгина ишларни амалга оширмоқдамиз. Дастлаб маҳалла фаоллари билан ҳар бир қарор муҳокама қилиниб, унда тилга олинган вазифаларни амалга ошириш учун қандай ишлар олиб бориш керак, деган савол ўртага ташланади. Сўнгра ҳар бир фаолга аниқ топшириқ берилади ва ҳар ҳафтада бу вазифалар ҳақида ҳисобот олиб турилади. Маҳалла фаолларидан тушган тақлифлар ўрганиб чиқилади, уларнинг амалий ижроси бошланади.

Маҳаллада ёшлар тарбияси-

га алоҳида эътибор қаратилади. Бунинг учун «Оила-маҳалла-мактаб» концепцияси асосида иш олиб борилади. Ҳар бир етмаганлар билан ишлаш самарали йўлга қўйилган. Маҳалла ҳудудида 28-умумтаълим мактаби фаолият кўрсатади. Мактаб билан ҳамкорликда турли тадбирлар, давра суҳбатлари ўтказилади. Ҳамкорликдаги режа асосида турли спорт мусобақалари ташкил этилади.

Маҳаллада устоз-шогирд тизимини намунали йўлга қўйиш учун Мамлакатхон Ҳусанова раҳбарлигида миллий либослар тикиш бўйича тўғрақ ташкил этилган. Маҳалла қизлари мактабдан бўш вақтларида чопон, қийик, келинчақлар учун турли сарпо тикиш сир-асрорларини ўрганишмоқдалар. Ўғил болалар эса маҳалланинг энг машҳур новаҳиларидан бири А.Рўзибоев-

лар оиласида ҳунар ўрганмоқдалар. Қўли гул тикувчи Иноратхон Сойиббоева тадбиркор аёл. У маҳалла қизларига кўрпа-кўрпача тикиш ва биҷиши, миллий либослар яратишни кўнгил билан ўргатмоқда.

Қиз болани оилага тайёрлаш нафақат буви ёки онанинг, балки маҳалла кайвониларининг ҳам вазифаси ҳисобланади. Авваллари, кексалар ўз маҳалласидаги қизларнинг юриш-туриши, гапириши, кийинишига ўзини масъул санаган. Қиз бола ҳаёси, ибоси билан гўзал, деган ақидага қаттиқ амал қилишган. Маҳалланинг фаол аёллари иштирокда қиз бола одоби, унинг ҳунар эгаллаши, соғлом бўлиб вояга етиши борасида мутахассислар — шифокорлар, психолог ва ички ишлар идоралари ходимлари билан суҳбатлар, учрашувлар ўтказилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, маҳаллада маънавий муҳитни барқарор сақлаш барчаннинг бурчи эканлиги маҳалладошларга аниқлашмоқда.

**Умидано ОХУНОВА**

Наманган тумани

**МУСТАҚИЛЛИК ТАРИХИ ҲАҚИДА МУҲИМ МАНБА**

Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети-да Президентимиз Исло Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китобини ўрганиш ва кенг тарғиб этишга бағишланган минтақавий ўқув-семинар ўтказилди.

Самарқанддаги олий ўқув юртлиари, ўрта махсус, касб-хунари таълими муассасалари профессор-ўқитувчилари, Тошкент давлат иқтисодий университети, Тошкент давлат маданият институти ҳамда Россия давлат нефть-газ институти Тошкент филиали вакил-

лари ҳамда талаба-ёшлар иштирок этган мазкур тадбирда Президентимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китоби мустақиллигимизнинг қўлга киритилиши тарихини ўрганишда энг асосли ва муҳим манба бўлиб хизмат қилиши таъкидланди.

— Давлатимиз раҳбарининг ушбу китобида мамлакатимизнинг мустақилликка эришиш арафаси — ўтган асрнинг 80-йиллари охири ҳамда 90-йил-

лар бошида кечган таҳликали кунлар, жамият ҳаётидаги туб бурилиш ва одамлар онгу тафаккуридаги ўзгаришлар ҳақида аниқ тарихий ҳужжатлар ва ёрқин ҳаётий мисоллар асосида ҳикоя қилинади, — дейди Тошкент давлат маданият институти проректори Абдухалил Мауров. — Катта авлод вакиллари ўша даврнинг бевосита гувоҳи бўлсалар-да, бу жараёнлар ҳақида ёшлар етарли тушунча ва та-

савурга эга эмас. Шунинг учун жорий ўқув йилида юртимиздаги олий ўқув даргоҳлари ва ўрта махсус, касб-хунари таълими муассасаларида мазкур асарни ўрганиш бўйича касб-хунари таълим ташкил этилмакда. Бу орқали талаба ва ўқувчи-ёшлар мустақиллик ўзанидан, осонликча қўлга киритилмагани, бу йўлда Исло Каримов кўрсатган жасорат ва қатъият, узоқни кўзлаб олиб борилган оқилона сиёсат

тўғрисида ҳар томонлама чуқур билимга эга бўладилар. Китобда илгари сурилган гоё ва қарашлар ёшларнинг ижтимоий дунёқарабини кенгайтиришга хизмат қилади.

Семинарда давлатимиз раҳбарининг ушбу китобини ўрганиш бўйича дарс машғулотлари тажрибали профессор-ўқитувчилар томонидан олиб борилиши, бунда ноъанавий ўқитиш услубларидан кенг фойдаланиш зарурлиги қайд этилди.

**Ҳ. ХАСАНОВ,**  
ЎЗА мухбири

Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллик қутлуг байрами нишонланиши арафасида Президент Исло Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китобининг чоп этилиши моҳият эътибори билан, шубҳасиз, катта тарихий аҳамиятга эга бўлди. Чунки қанчадан-қанча аждодларимизнинг асрий орзуси бўлган, бугунги кунда кўп миллатли халқимиз учун энг улуг, энг азиз қадриятга, барча эзгу мақсад ва ҳаракатларимиз, бунёдкорлик ишларимизнинг ҳаётбахш манбаига айланган мустақилликка эришиш йўлида 1989–1991 йиллар мобайнида олиб борилган ўта оғир ва машаққатли курашлар тарихи бу китобнинг бош мавзусини ташкил этади.

Давлатимиз раҳбари томонидан ёзилган мазкур асар ўқувчида истиқлол арафасида халқимиз бошидан кечирган синов ва машаққатлар, ўша йиллардаги сиёсий-ижтимоий, иқтисодий вазиёт ҳақида ёрқин тасаввур уйғотади.

Масалага шу нукта назардан қараганда республикамизнинг бир гуруҳ мутахассис олимлари томонидан тайёрланган Ўзбекистон Республикаси

арафасида ҳукм сурган чуқур инқироз ҳолатининг ҳаққоний тасвири ва таҳлили, ўша даврнинг сиёсий-ижтимоий манзараси, ушбу асарнинг янги тарихимизни яратишдаги беқиёс ўрни ва аҳамияти ҳақида атрофлича фикрлар билдирилган. Шу билан бирга, ушбу бобда 70 йилдан зиёд вақт мобайнида ҳукмронлик қилган сойқ мустақил тузумнинг бутун кирдиқорлари аниқ далил ва рақамлар билан очиб ташланган, Исло Каримовнинг раҳбарлик, мустақил давлат сиёсатини юритишга доир принципиал стратегик позицияси атрофлича баён этилган.

Ўқув қўлланманинг иккинчи боби «Тинчлик ва барқарорлик йўлидаги фидойилик» деб номланиб, унда истиқлол арафасида республикамизда ҳукм сурган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий вазиёт, халқимиз бошидан кечирган гоё таҳликали жараёнлар «Фаргона воқеалари», «Ўш Ҷоҳиаси», «Миллатлараро ҳамжиҳатлик», «Наманган воқеалари» мавзулари орқали баён этилган. Ўша даврнинг сиёсий манзарасини тўлиқ акс эттирадиган чуқур таҳлиллар, яқин ва узоқ истиқболни

таъминлашга қаратилган савий-ҳаракатлар: миллий суд-ҳуқуқ тизимига тамал тошининг қўйилиши, «Давлат тили» ҳақидаги Қонун — суд-ҳуқуқ тизимидаги янгилашниларнинг дебосчаси бўлганлиги ҳақида кенг фикр юритилган ва маълумотлар берилган. Шунингдек, ушбу бобда Ўзбекистонда Президентлик лавозимининг жорий этилиши, Ўзбекистоннинг мустақил деб эълон қилиниши хусусидаги қизикарли ҳаётий материаллар ҳам ўз ифодасини топган.

Олтинчи боб «Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш» деб номланиб, унда ўша даврда инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол этилишига чек қўйиш масалалари муфассал ёритилган.

«Ижтимоий-сиёсий ҳаётни эркинлаштириш» деб номланган еттинчи бобда кескин ижтимоий муаммолар гирдобидига оғир йиллар, мустақил тузум инқирозининг ижтимоий-сиёсий сабаблари ва унинг оқибатларини бартараф этиш юзасидан Президент Исло Каримовнинг ташаббуслари, уринишлари тарихий воқелик асосида

рининг аҳамиятини атрофлича тушунириш, зарарли гоёвий ва инфомацион хуружлар, уларнинг ортида турган қучларнинг ғаразли мақсадларини фойда қилиш, талаба-ёшларни ҳушёрлик ва огоҳликка даъват этиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидандир.

Республикамизда ўтган асрнинг 80-йиллари охири ва 90-йилларининг бошида вуқудга келган ҳақиқий аҳволин ўзимизга аниқ тасаввур қиладиган бўлсак, «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китоби асосида истиқлол тарихимизнинг ҳозирга қадар атрофлича ёритилмаган саҳифалари (шу даврда матбуотда ёритилмаган маълумотлар асосида ёшларда тушунмаган ҳосил қилиш мақсадида) ҳар томонлама чуқур исботланган, рад этиб бўлмайдиган аниқ тарихий ҳужжатлар билан тўдирланганлиги, айниқса, эътиборлидир.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Исло Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китоби ўқув йилининг иккинчи ярмидан бошлаб барча олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида батафсил ўрганилиши режалаштирилган эди. Шу маънода даставвал Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ташаббуси билан жорий йилнинг 4-5 январь кунлари республикамизнинг барча олий таълим муассасалари раҳбарлари ҳамда профессор-ўқитувчилари ўртасида ушбу асарни қанда кенг ва муфассал ўрганишни ташкил этиш мақсадида ягона электрон таълим тармоғи орқали видеоқонференция ўтказилди.

Республикадаги қўллаб олий ўқув юртлиари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ташаббуси билан Тошкент давлат иқтисодий университети ва Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг 19 нафар профессор-ўқитувчиларидан иборат иккидў гуруҳ томонидан тайёрланган ва 7 минг нускада чоп этилган Ўзбекистон Республикаси Президенти Исло Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китобини ўрганиш бўйича ўқув-ўқитиш қўлланма асосида дарс ўтишининг илгор усулларини ишлаб чиқди. Жумладан, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети профессор-ўқитувчилари ҳам Ўртбошимиз асари ва мазкур қўлланма асосида кенгайтирилган методик ишланмалар яратди.

Айни пайтда мамлакатимиз Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими вазирликлари ва барча таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари мазкур китоб моҳиятини ўқувчи-ёшлар, талабалар онги ва қалбига чуқур синдириш, янги педагогик ва ахборот технологиялари орқали баён этишининг таъсирчан услубларини ўзаро ўрганиб, фикр алмашмақдалар.

Давра суҳбатларида дарс ва машғулотларни самарали ташкил этиш юзасидан асосли фикрлар ўртага ташланмакда. Мулоқотларда муҳим тарихий аҳамиятга эга ушбу китобни юрдошларимизнинг ижтимоий дунёқарабини кенгайтириш, тафаккурини юксалтириш нуктаи назардан теран тадқиқ этиш, китобда баён этилган гоё ва қарашлари Президентимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» номли маърузасида илгари сурилган фикр-мулоҳазалар, белгилаб берилган вазифалар билан боғлиқ ҳолда ўрганиш зарурлиги қайд этилди.

**Турсунбой СУЛТОНОВ,**  
Тошкент давлат иқтисодий университети фалсафа кафедраси доценти, фалсафа фанлари номзоди

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ  
ҚЎЛЛАНМА****Президентимиз Исло Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китоби моҳиятини ёшлар онгига тўлақонли етказишга хизмат қилади**

Президенти Исло Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» асарини мамлакатимиз олий ўқув юртлиарида ўрганиш мақсадида ёзилган ўқув-ўқитиш қўлланма айни вақтида тайёрлангани ва чоп этилгани диққатга молиқдир. Унда асарнинг асосий маъно-маъмуни, илгари сурилган фикр ва қарашлар, концептуал хулосалар ҳақида, Ўртбошимиз томонидан миллий мустақиллик гоёси ўта оғир ва мураккаб шароитда ишлаб чиқилгани ва диалектик изчилликда ривожлантириб борилгани ҳамда амалга оширилгани хусусида бой тарихий мисоллар, илмий-фалсафий таҳлиллар, замонавий таълим технологиялари асосида атрофлича маълумотлар берилган. Ушбу ўқув қўлланма муқаддима, 9 боб, 29 параграф, «Исло Каримов — Ўзбекистон мустақиллигининг ташаббускори, ташкилотчи ва раҳнаом» номли хулоса, шартли қисқартмалар, назорат ва муҳокама учун саволлар, тестлардан иборат. Шунингдек, мазкур ўқув-ўқитиш қўлланмада бевосита «Ўқув дастури», маъруза ва семинар машғулотлари, давра суҳбати, фойдаланилган манбалар ҳақида умумий маълумотлар берилган. Таъкидлаш жоизки, барча таълим йўналишлари ва мутахассислари учун мўлжалланган ушбу китобни ўрганиш юзасидан махсус курс ўқув дастури жами 26 соатга мўлжалланган бўлиб, унинг 18 соати маъруза, 6 соати семинар машғулотлари ва 2 соати китобнинг мазмун-моҳиятини ўрганиш бўйича давра суҳбати мўлжалланган.

Қўлланманинг биринчи боби «Ўзбекистон мустақиллиги тарихи бўйича энг ишончли манба» таҳлилий бағишланган бўлиб, унда китоб ҳақида умумий тушунча, буюқ тарихий миссия билан майдонга чиққан йўлбўйчи хусусида кенг маълумотлар берилган. Шунингдек, юртимизда истиқлол

қўлаб илгари сурилган муҳим стратегик қарашлар, концептуал ёндашув ва хулосалар берилган.

Қўлланманинг «Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва иқтисодийни тубдан ислоҳ этишининг принципиал масалалари таҳлими» деб номланган учинчи бобда асарда баён этилган даврда Ўзбекистонда асосий ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар ҳамда аҳоли турмуш даражасининг ачинарли аҳволи чуқур очиб берилган. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда турмуш даражасини кўтариш чораларининг амалга оширилиши китобдаги материаллар асосида кенг таҳлил қилинган. Шунингдек, ушбу бобда мустақилликка қадар ижтимоий ишлаб чиқариш тузилишида вуқудга келган чуқур номуносаблиқлар ва уларни бартараф этиш чоралари, Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашга қаратилган стратегик асослар, Республика қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар, Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш муаммолари ва уларнинг ҳал этилиши, мулкни ислоҳ қилиш ва мулкчиликнинг турли шаклларига ўтиш масалалари баъни таҳлилий манбалар асосида кенг ёритилган.

Ўқув қўлланманинг тўртинчи боби «Миллий армияни шакллантириш, миллий хавфсизлиқни таъминлаш» деб номланиб, унда Ўртбошимиз китоби асосида баён этилган миллий армияни шакллантиришдаги жонқуярилик, аскарлари бакуватт юрт қудратли бўлиши, миллий армияни шакллантиришининг ҳуқуқий пойдевори мавзулари доирасида кенг маълумотлар берилган.

«Суд-ҳуқуқ тизимини янги асосда барпо этиш» деб номланган бешинчи бобда ҳуқуқий мустақиллиқни

кенг ва атрофлича баён этилган.

Сақизининг боб «Аҳоли саломатлиги, фан, таълим, маданият ва спорт жабҳаларига эътибор» деб номланган бўлиб, унда Қадрлар тайёрлаш миллий дастурига пойдевор қўйиш илм-фан саодатига эришиш йўли эканлиги, халқнинг буюқ тарихини йўқ қилишга қаратилган мустақил мафкура ва унга қарши изчил кураш жараёнлари атрофлича ёритиб берилган.

«Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаши» деб номланган тўққизинчи боб ички ва ташқи сиёсат муштараклиги, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб жой эгаллаш сари қўйилган дадил қадамлар ҳақидаги билимларни янада бойитишга қаратилган. Умуман, ушбу қўлланма мустақилликка эришиш йўлида юртимизда амалга оширилган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий ислохотларнинг мазмун-моҳияти ҳақидаги фикрлар, шунингдек, мустақиллик оstonасида халқимиз бошидан кечирган фожияли воқеалар, Президентимизнинг мустақил давлат барпо этиш йўлидаги жасорати аниқ фактлар билан очиб берилганлиги сабабли муҳим аҳамият касб этади.

Президентимиз Исло Каримовнинг мазкур асарида истиқлолга эришиш даврининг ўрганилган томонлари тарихий ҳужжатлар асосида очиб берилган. Қўлланмада бу жиҳат алоҳида қайд этилиб, ушбу асар ўша суронли йилларнинг энг ишончли ҳужжати ва ноёб тарихий манбаси сифатида бугунги кун ва келгуси авлодлар камолотига хизмат қилиши алоҳида таъкидланган.

Мамлакатимиз тараққиёти инсон омилли, ёшлар камолоти, миллий маънавиятимизни янада ривожлантириш билан чамбарчас боғлиқ. Шу мақсадда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг моҳияти, қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурла-

## МАРКАЗЛАР ФАОЛИЯТИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

**«Баркамол авлод» республика болалар бадий ижодиёт марказида «Таълим-тарбия ишларини такомиллаштириш омиллари» мавзусида ўқув-семинар ўтказилди.**

Унда Тошкент шаҳридаги «Баркамол авлод» болалар марказлари раҳбарлари, ўқув ва маънавий-маърифий ишлари бўйича директор ўринбосарлари, ушбу марказ методистлари иштирок этди.

Иштирокчилар «Баркамол авлод» болалар марказлари

фаолиятини тартибга солуви меъёрий ҳужжатлар, марказнинг маънавий-маърифий ишларини такомиллаштириш, ижро тизимини мустаҳкамлаш ва мактабдан ташқари таълимга қўйилган давлат талаблари мазмун-моҳияти ҳақида ўз тажрибаларини бойитишди. Ишчи гуруҳи томонидан Тошкент шаҳридаги «Баркамол авлод» болалар марказларидаги муаммо ва камчиликлар ўрганиб чиқилган эди. Семинарда аниқланган камчиликлар юзасидан талриф ва мулоҳазалар билдирилиб, Тамара Марҳаматова раҳбарлигидаги Тошкент шаҳар «Баркамол авлод» болалар марказининг фаолияти барчага намуна қилиб кўрсатилди.

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 февралдаги «Мактабдан ташқари таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида республикадаги мавжуд 500 дан ортқ болалар ижодиёт маркази негизида 211та «Баркамол авлод» болалар маркази ташкил қилинди. Ушбу марказлар ўз фаолиятини тартибга солуви ҳужжатларга таянган ҳолда иш олиб боришмоқда. Бугунги семинар мактабдан ташқари таълим тизими мазмунини янада бойитиш жараёнига хизмат қилади, — дейди «Баркамол авлод» республика болалар бадий ижодиёт маркази раҳбари Зокир Товбоев.

Семинар иштирокчилари мактабдан ташқари таълим тизимига илғор педагогик усуллар ва методларини кенг жорий қилиш бўйича ахборотга эга бўлдилар. Тўғаракларга малакали кадрларни жалб этиш мақсадида касб-хунар коллежи ва лицей ўқитувчилари билан шартнома тузиш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

**Моҳичехра ЛАТИПОВА,**  
«Ma'rifat» мухбири

## ТАБИЙ ОФАТ, УНДАН ҚАНДАЙ ҲИМОЯЛАНИШ КЕРАК?

Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги филология фанларига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида ЮНЕСКО Бирлашган мактаблар тармоғининг Япония бирдамлик лойиҳаси доирасида табиий офатлар зарарини камайтиришга бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Мактаб ўқувчилари тадбир давомида табиий офатлар, улар келтирган талофатлар билан танишиб, бундай вазиятларда қандай ҳаракатланиш ҳақидаги зарур билимларга эга бўлдилар. Шунингдек, ўқув жараёнида бир қатор табиий офатлар рўй берганда ЮНЕСКО ва бошқа халқаро ташкилотларнинг роли ва халқаро инсонпарварлик ташкилотлари фаолияти ҳақида атрофли маълумотлар берилди. Тадбирга ташриф буюрган Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси вакили Курихира жаноблари Японияда ўтган йилнинг 11 мартада содир бўлган муҳим офат оқибатларини бартаф этишда давлатимиз томонидан кўрсатилган инсонпарварлик

ёрдами учун ўз миннатдорчилигини билдирди. Ўқувчилар томонидан бахтсиз ҳолатлар рўй берганда қандай амалга оширилиши намоён этилди. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги мутахассиси турли табиий офатлар рўй берганида ўқувчилар билишлари лозим бўлган энг муҳим вазифалар ҳақида маълумот берди.

**Санжар РУСТАМОВ,**  
«Ma'rifat» мухбири

## ФАН ОЙЛИГИ ЯКУНИГА ЕТДИ

Январь — тарих ва ҳуқуқ фанлари ойлиги доирасидаги тадбирлар Мирзо Улугбек туманидаги 308-умумий ўрта таълим мактабида ҳам мазмунли ўтказилди.

— Фан ойлигини самарали ўтказиш мақсадида ташкил қилган тадбирларимиз ўқувчиларнинг Ватанимиз ҳамда жаҳон тарихи, ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган бўлиб, унда юқори синф ўқувчилари фаол иштирок этдилар, — дейди мактабнинг тарих ва ҳуқуқ фанлари ўқитувчиси У.Шамсиева. — Мисол учун, 8-9-синфлар ўртасида «Оила ва жамият» мавзусида давлат ва ҳуқуқ асослари фанидан давра сўҳбати ташкил қилинди. Ўқувчиларнинг жорий йил — Мустаҳкам оила йилига бағишланган чиқишлари тадбирнинг маз-

мунли бўлишига янада ҳисса қўшди. Шунингдек, турли мавзуларда мультимедиа воситаларидан кенг фойдаланган ҳолда очик дарслар ташкил қилинди.

Бугунги кунда болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларида оила, мактаб ва маҳалла ҳамкорлиги доирасида Гулзор маҳалласи фаоллари иштирокидаги тадбирларга ҳам кенг ўрин берилди. Шунингдек, туман ИИБ профилактика катта инспектори, майор Садриддин Сотболдиевнинг «Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш» босқисига маърузаси ҳам ўқувчиларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга хизмат қилди.

**Мухлиса МҶМИНОВА**

Шайхонтоҳур туманидаги 102-мактабда фан ойлигининг якуний фестивали бўлиб ўтди. Дастлаб ўқувчилар ўртасида сўровнома ўтказилди. Унда ўқувчилар ойлик давомида Ўзбекистон тарихи, Темурийлар тарихи давлат музейларида олиб борилган амалий машғулотлар ҳамда фан ўқитувчилари томонидан ноанъанавий тарзда ташкил этилган очик дарслар уларнинг билимини нечоғли оширгани хусусида ёзма фикр билдирдилар.

Шундан сўнг мактабнинг тарих ва ҳуқуқ фанлари ўқитувчилари томонидан очик дарслар ўтилди ва тад-



бир якунида ўқитувчи ва методистлар томонидан муҳокама этилди. Тадбир сўнггида савол-жавоб ва топшириқлари орқали ўқувчилар билими синовдан ўтказилди.

**А.ҲАЙДАРОВ** олган сурат.



❖ **Ешлар ижод саройида «Балли, ҳуқуқшунослар — 2012» республика кўрик-танлови бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикаси Адлия, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамкорлигида ўтказилган танловда мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларининг ҳуқуқшунослик факультетлари, юриспруденция соҳасига ихтисослаштирилган олий таълим даргоҳларининг жамоалари ўз билим ва маҳоратини намойиш этди.

Мазкур анъанавий республика кўрик-танловидан қўзланган асосий мақсад, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш, юриспруденция соҳасида изланаятган иқтидорли ёшларни аниқлаш ва рағбатлантиришдан иборатдир.

Кўрик-танлов жараёнида иштирокчиларнинг Президентимиз асарлари ва маърузалари, фармон ва қарорлар, Бош қомусимиз, давлат дастурлари, халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий соҳалардаги ислохотларнинг аҳамиятини нечоғли теран идрок этишига асосий эътибор қаратилди.

Тошкент давлат юридик институтининг «Адолат» жамоаси бош совринга лойиқ топилди. Биринчи ўрин Ўзбекистон Миллий университетининг «Сарбон» жамоасига берилди. Иккинчи ўринга Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети «Атлант», учинчи ўринга эса Наманган давлат университети «Водий ғавҳари» жамоаси сазовор бўлди.

❖ **Бухорода Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг олий ўқув курслари, айлотив ҳокимлиги ва прокуратураси ҳамкорлигида «Мустаҳкам оила туғиғуси ва уни тартиб этишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вазифалари» мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди.**

Анқуманда ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, туман ва шаҳарлар хотин-қизлар кўмиталари раислари, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, «Маҳалла» жамғармаси вакиллари иштирок этди.

Илмий-амалий анқуманда жамият таянчи бўлган оилани мустаҳкамлашнинг асосий йўналишлари ва истиқболлари, оилавий муносабатлар билан боғлиқ нохуш ҳолатларнинг олдини олиш ва бу борада ҳуқуқ-тартибот органлари, «Маҳалла» жамғармаси бўлимлари, таълим муассасалари ҳамкорлигини янада кучайтириш зарурлиги каби масалаларга эътибор қаратилди.

Тадбирда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини янада ошириш, қонуний ижросини таъминлаш ва оила манфаатларини ҳимоя қилиш тегишли идоралар, ҳар бир инсон зиммасига катта масъулият оқлаши алоҳида таъкидланди.

❖ **Тошкент Олий умумқўшин кўмондонлик билим юртида Тошкент ҳарбий гарнизонига қарашли муассасалар ва ҳарбий қисмларда муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарлар учун тест синовлари ўтказилди.**

Ўтказилган testlarda яхши натижаларга эришган ҳарбий хизматчилар жорий йилнинг март-апрель ойларида зaxирага бўшатиш пайтида ўз ҳарбий қисмлари кўмондонлигининг тавсияномаларини олади.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2005 йил 31 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқаролар учун республика олий ўқув юр்தларига ўқишга киришда тест синовларида тўпладанидган энг кўп баллнинг 25 фоизи миқдориде қўшимча балл шаклидаги имтиёз берилди.

Тест синовлари ҳарбий ва маънавий-маърифий тайёргарликка оид 50 саволни ўз ичига олган эди. Сўнчиқлаб текширилгандан сўнг, барча тест синовлари натижалари тегишли ҳарбий қисм кўмондонлигига юборилади ва айнан шу маълумотлар тавсияномалар берилишида асос бўлиб хизмат қилади.

Муддатли ҳарбий хизматчиларни тест синовларидан ўтказиш бутун мамлакатимиз бўйлаб бир вақтда амалга оширилди.

❖ **Сергели туманидаги 317-мактабда тарих ва ҳуқуқ фан ойлигига бағишлаб, якуний фестивал ўтказилди.**

Унда шаҳар халқ таълими бўлими ижтимоий фанлар бўйича методисти Б.Сафаров, туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудир ўринбосари С.Мамадалиев, миллий истиқлол фани методисти Н.Садриддинова, ижтимоий фанлар методисти М.Эргашева ҳамда мактаб педагогик жамоаси иштирок этишди.

Айтиш мумкинки, фестивал — ўқувчиларнинг тарих ва ҳуқуқ фанлари бўйича олган билимларини синовдан ўтказиш ҳамда уларни янада мустаҳкамлаш учун яна бир имкони яратди.

Тадбирда ўқувчилар томонидан тайёрланган «Энг яхши деворий газеталар» кўрик-танлови ҳам ўтказилди ва голиб ўқувчилар мактаб маъмурияти томонидан тақдирланди.

**ЎЗА** ва махсус мухбирларимиз йўллаган материаллар асосида тайёрланди.

Халқ таълими вазирлигида навбатдаги кенгайтирилган хайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Халқ таълими вазирлиги раҳбарияти, вазирликнинг бошқарма ва бўлим бошликлари, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва барча вилоят халқ таълими бошқармалари бошликлари, педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари ректорлари, давлат педагогика институтлари ректорлари, вазирлик тасарруфидоғи республика ташкилотлари раҳбарлари иштирок этди. Йиғилишни Халқ таълими вазири Темир Широнови олиб борди.

Дастлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган асосий вазифалар тўғрисида Халқ таълими вазири Т.Широнови маъруза қилди. Утган йил таҳлилларига тўхталар экан, маърузачи 2011 йилда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги асосий ўзгаришлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтди. Хусусан, 2011 йилда умумтаълим мактабларининг моддий-техник базасини мухтасамлаш борасида амалга оширилган ишлар ҳақида маълумот бериб, замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланган, 46 минг 300дан ортиқ ўқувчига мўлжалланган 166та янги мактаб қурилгани ва реконструкция қилингани, 151та мактабда капитал таъмирлаш ишлари белгиланган муддатда ва сифатли бажарилганини алоҳида таъкидлади. Таълим муассасаларида қурилиш-тиклаш ишлари сарҳисоб қилинар экан, 2012 йилда бу борада амалга оширилиши кўзда тутилган ишлар ҳақида ҳам маълумот берилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 22 сентябрдаги ПҚ-1620-сонли қарори билан 2012 йилда жами 349та умумтаълим мактабларида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиши режалаштирилган бўлиб, ушбу мақсадларга жами 155,3 млрд. сўм маблаг ажратилиши кўзда тутилган.

Бундан ташқари, уй-жой массивлари ҳудудида республика бўйича жами 14та умумтаълим мактабларининг (12,3 млрд. сўм) янгидан қурилиши ҳам режалаштирилган. Шунингдек, маърузачи мамлакатимиздаги 852та мактабда замонавий ўқув компьютер синфлари ташкил этилгани ва 9 минг 400дан зиёд умумтаълим мактаби ёки жами мактабларнинг 96 фоизи Ziyonet электрон ахборот тармоғига уланганига эътибор қаратар экан, галдаги долзарб вазифа сифатида улардан самарали фойдаланиш зарурати, ўқувчи-ёшларни интернет тармоғидаги турли бузғунчи гоғлардан ҳимоя қилишда айнан

мазкур тармоқни кенг тарғиб қилиш ва унинг имкониётларидан унумли фойдаланиш лозимлигини айтиб ўтди.

Шу ўринда мамлакатимизда таълим тизимига қаратилаётган юксак эътибордан дарак берувчи қуйидаги таҳлилий маълумотларга эътибор қаратинг:

Халқ таълими тизими учун ҳукуматимиз томонидан 2000 йилда бюджетдан 168 млрд. 660 млн. сўм маблаг ажратилган бўлса, 2010

йилда бу кўрсаткич 3,3 трлн. сўмни ташкил этган (қарийб 20 баробар ортган). 2011 йилда эса тизимга 4,2 трлн. сўм ажратилди, яъни бу миқдор ўтган йилга нисбатан ҳам 28 фоиз кўп демакдир.

Устоз ва мураббийлар меҳнатини муносиб рағбатлантиришга йўналтирилаётган Директор жамғармаси учун ажратилаётган маблағларнинг ҳам йилдан-йилга муттасил ошиб бораётганлиги эътиборга молик. Шунингдек, "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" давлат дастурининг ижросини таъминлаш ҳамда халқ таълими тизимига хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш мақсадида 2011 йилда 16,3 млрд. сўм бюджетдан ташқари маблаг топиш режалаштирилган бўлиб, мазкур режа амалда 20,9 млрд. сўм (128,0 фоиз)га бажарилди. Ушбу кўрсаткич 2010 йилнинг шу даврига нисбатан 8,3 млрд. сўм (165,8 фоиз)га кўпдир.

2011 йилда халқ таълими тизимига амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинар экан, жорий йилда яратилган имкониётлардан самарали фойдаланиш, таълим-тарбия жараёнларини мазмунан бойитиш, бунда раҳбар-ҳодимлар масъулиятини ошириш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари

га бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасининг мазмун-моҳиятини халқ таълими тизимида ўрганишни ташкил этиш ва унда белгиланган вазифаларнинг ижросини қатъий назоратга олиш, давлат педагогика институтлари, А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОИИда ва барча ҳудудий малака ошириш институтлари педагогик жамоаси, тингловчи ва талабаларига етказиш бўйича махсус факультатив ўқув курси дастурини тайёрлаш ва ўқув жараёнига жорий этиш вазифалари юклатилди.

Шундан сўнг таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини сифатли ташкил этиш ҳамда мажбурий таълим талабларининг бажарилиши ҳолати тўғрисида ахборот берилди. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонунининг 26, 27, 28, 30-моддалари талабларига асосан умумий ўрта

лима мактабларида фаолият олиб бораётган барча фан ўқитувчиларининг ушбу йўналиш бўйича малака ошириши белгиланган эди. Бу борадаги ишларнинг дастлабки босқичида 2500 нафарга яқин тренерлар тайёрланган. 72 соатлик (2 ҳафталик) ўқув курсларида республика бўйича 411 мингдан зиёд (97,6 фоиз) ўқитувчилар жалб этилди.

Аммо, таълим муассасаларини замонавий компьютерлар билан жиҳозлаш, уларни Ziyonet тармоғига улаш бўйича қилинаётган кенг қамровли ишларга қарамадан, айрим ҳудудларда яратилган имкониётлардан тўғри фойдаланмаслик ҳоллари ҳам учрамоқда. Хусусан, фан ўқитувчиларининг АКТдан фойдаланиш малакасини ошириш бўйича белгиланган ўқув режа Жиҳозлаш вилоятида 87 фоиз, Қашқадарё вилоятида 91

## Hay'at yig'ilishida

Маълумки, умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган "Умид ниҳоллари-2012" спорт мусобақаларининг Республика босқичи Навоий вилоятида ўтказилиши белгиланган. Мазкур мусобақани юқори савияда ташкил этиш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур мусобақанинг биринчи босқичида мактаблар бўйича синфлар ўртасида кузги таътил вақтида ўтказилиб, унда жами 4,3 млн.га яқин (шундан 44,3 фоизи қизлар) ўқувчилар иштирок этишди. Иккинчи босқич туманлар бўйича мактаблар ўртасида қишки таътил вақтида ўтказилди, унда жами - 1,5 млн.га яқин ўқувчилар иштирок этишди. Учинчи босқич - вилоятларда туманлар ўртасида баҳорги таътил вақтида ўтказилади, унда жами 24381 нафар (улардан 11026(45 фоиз)нафари қизлар) ўқувчилар иштирок этиши кўзда тутилган.

Спортнинг ўйинли (баскетбол, волейбол, футбол ва қўл тўпи) турлари бўйича саралаш мусобақалари бешта ҳудудларга бўлиниб ўтказилади. Спорт турлари бўйича саралаш мусобақаларининг қайси шаҳарда бўлиб ўтиши қуръа ташлаш йўли билан аниқланади.

Хайъат йиғилишида ушбу маълумотлар билан бир қаторда "Умид ниҳоллари" мусобақаларининг финал босқичини юқори савияда ташкил этиш учун Навоий шаҳрида спорт объектларида олиб борилаётган қурилиш-монтаж ва ободонлаштириш-қўқаламзорлаштириш ишларини ўз вақтида амалга ошириш, вилоят терма жамоаларини шакллантиришда адолат таъминлашга амал қилиш, спортчиларнинг ҳужжатларини ноқонуний расмийлаштиришнинг олдини олиш масаласида зарур чора-тадбирларни кўриш вазифалари ҳам белгилаб олинди.

Хайъат йиғилишида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратурасининг 2011 йил 26 декабрдаги "Қонун бузилиши, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имкониёт яратиш бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида"ги 9/18-2011-сонли Тақдимномаси, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 январдаги 18-ОПП-1-сонли "Вазирликлар ва идораларда фуқароларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича бажарилган ишлар тўғрисида"ги топшириқномаси муҳокама қилинди.

Хайъат йиғилиши сўнгидан унда кўтарилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Жаҳонгир МУСАЕВ,  
Халқ таълими вазирлиги  
Ахборот хизмати раҳбари

# УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

таълим мактаблари ҳудудида яшовчи мактаб ёшидаги болаларни таълим муассасаларига тўлиқ жалб этиш бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган ижобий ишлар ҳақида маълумот берилар экан, бу борада маҳаллий ҳокимликлар, маҳалла кенгашлари ҳамда ота-оналар ҳамкорлиги масаласига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.

Шунингдек, Жиҳозлаш вилоятларида ишчи гуруҳ томонидан ўрганилган таълим-тарбия жараёнини сифатли ташкил этиш юзасидан амалга оширилган ишлар таҳлилидан келиб чиққан ҳолда республикамизнинг барча жойларида моддий-техник базани асраш, ўқув жиҳозлари ва ускуналаридан таълим-тарбия жараёнларида самарали фойдаланишни йўлга қўйишнинг зарурати ҳамда бу борада раҳбар ходимларнинг масъулиятини ошириш лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Халқ таълими тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш ҳолати ҳам йиғилиш кун тартибидоғи муҳим масалалардан бири бўлди.

Маълумки, республикадаги мавжуд умумтаълим мактаблари орасидан замонавий компьютер техникаси ва унинг қурilmалари билан жиҳозланган, тажрибали информатика фани ўқитувчиларига эга бўлган 2467та таянч мактаблари танлаб олиниб, уларда 2011 йил давомида умумий ўрта таъ-

фоиз, Сирдарё вилоятида 92 фоиз, Андижон вилоятида 95 фоиз, Тошкент шаҳрида 95 фоиз, Хоразм вилоятида 96 фоизга бажарилган бўлса, республика бўйича энг паст кўрсаткичлар Тошкент вилояти Оҳангарон тумани, Янгийўл тумани, Навоий вилояти Учқудук тумани, Хоразм вилояти Хонқа тумани, Сирдарё вилояти Сардоба тумани, Жиҳозлаш вилояти Фаллаорол туманларида кузатилган.

Ҳудудларда "Ziyonet" тармоғидан самарали фойдаланишнинг тўғри йўлга қўйилмаганлиги, тармоқдаги носозликлар бўйича тегишли провайдерлар билан иш олиб борилаётганлиги бюджет маблағларининг мақсадсиз ишлатилишига олиб келаётганига ургу берилди.

Шундан сўнг умумтаълим мактабларининг ахборот-коммуникация технологиялари бўйича паспортини тайёрлаш ва мактабларнинг компьютерлар билан таъминлиши ҳолати тўғрисидаги маълумотларни махсус электрон дастурга киритиш, яратилган электрон ахборот-таълим ресурсларидан дарслар ва дарсдан ташқари машғулотларда самарали фойдаланиш масалалари ҳам йиғилишнинг асосий эътибор марказида бўлди. Йиғилишда бошқарув жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишда ҳудудий халқ таълими бошқаруви идораларининг биринчи раҳбарлари шахсан масъул эканлиги қатъий таъкидланди.

# ANIQLIK VA ZAMONAVIYLIK DARS

umumta'lim maktablarida matematika va informatika fanlari o'yligini tashkil etish va o'tkazish yuzasidan tavsiyalar

Fan o'yligi ta'lim muassasalaridagi o'quv-tarbiya jarayonining zamonaviy talablar darajasida bo'lishini ta'minlash, fan o'qituvchilarining pedagogik mahoratini oshirish, ularning ijodiy izlanishlari va mehnatlarini ro'yobga chiqarish omili hamdir. Shuni aytish joizki, mutaxassislar o'rtasida fanning o'ziga xos xususiyatlari, murakkabligi bahsmunozaralarga sabab bo'lishi mumkin. Tashkil etilajak fan o'yliklari esa tug'ilajak savollarga oydinlik kiritish bilan birga, sohadagi mavjud o'ziga xos yangiliklarni chuqur o'rganishga qo'shimcha imkon yaratadi.

Oylik davomida maktablarning pedagog kadrlar bilan ta'minlanishi, matematika va informatika fanlari xonasining zarur ko'rgazmalididaktik materiallar bilan jihozlanishi, ota-onalar bilan hamkorlikni jonlantirish, ularni fanlardagi yangiliklar, o'quvchilarning o'zlashtirish va bilim samaradorligi ko'rsatkichlari bilan tanishtirish kabi yo'nalishlarda qator ishlar amalga oshiriladi.

O'quvchilarni kasbga yo'naltirish maqsadida oliy o'quv yurtlari, akademik litseylar va kasb-hunar kollejlari ekskursiyalar uyushtirish, shahar, viloyatlardagi oliy o'quv yurtlari professor, olimlari bilan uchrashuvlar tashkil etish ishlari rejalashtiriladi.

Fanlarga oid devoriy gazetalar chiqarilib, ularda qiziqarli ma'lumotlar, internet sahifalaridan olingan fan yangiliklari yoritiladi. Maktab, tuman, shahar, viloyat miqyosida eng yaxshi uslubiy birlashma, ijodkor o'qituvchi va metodistlarning ish tajribalari o'rganilib, ommalash-tiriladi.

Fanlar oyligida o'quvchilar bilan sinfdan tashqari vaqtda ularning olgan bilim, ko'nikma va malakalarini mustahkamlash, fanga bo'lgan qiziqishlarini oshirish maqsadida, sinflar va maktablararo «Yosh matematiklar», «Yosh informatiklar», «Nima, qayerda, qachon?» kabi mavzularda festivallar, fan bilimdonlari bellashuvi va bahsmunozaralar o'tkaziladi.

Maktabdagi matematika va informatika fanlariga tegishli uslubiy birlashmaning yillik ish rejasida fan oyligi uchun mazkur fanlar yo'nalishi bo'yicha o'tkaziladigan kunlik, haftalik tadbirlar belgilanadi. Fan oyligining har bir haftasi uchun aniq bir yo'nalish asosida tadbirlar rejalashtiriladi. Mazkur tadbirlar maktabning yillik ish rejasiga kiritilib, pedagogik kengash, uslubiy kengash va uslubiy birlashma yig'ilishlarida tasdiqlanadi hamda ijrosi muhokama qilinadi.

Fan oyligini tashkil etish va o'tkazish bo'yicha o'tgan yillar davomida to'plangan tajribalar asosida 2012-yil fan oyligini tashkil etish va o'tkazishning tadbirlar mazmunini quyidagicha rejalashtirish tavsiya etiladi:

## 1-hafta

**Fan o'qituvchilarining metodik ishlari haftaligi**

Fanlar oyligi boshlanishida va yakunida umumta'lim maktablari o'quvchilari bilimining DTS talablariga moslik darajasini aniqlash

maqsadida sinflar kesimida sinov testlari olinadi. Bu bilan o'quvchilarning mazkur fandan o'zlashtirishi lozim bo'lgan bilim, ko'nikma va malakalarining monitoringi o'tkazilib, uni metodbirlashmada tahlil qilish (jadval va diagrammalar asosida);

— Matematika ni o'qitishda masalalar yechish texnologiyalari mavzusida o'quv-seminar tashkil etish;

— Samarali dars — uni namunali rejalashtirish, metod va usullarning xilma-xilligi, fanlararo bog'lanish, hayotiy ko'nikmalarni shakllantirish, natijaviylik, qiziquvchanlik, faollikka erishish masalalariga qaratilgan davra suhbatini tashkil qilish orqali o'zaro darslarni kuzatish va tahlil qilish.

Bu ishlarni tashkil etishga mas'ul sifatida matematika va informatika fanlari o'qituvchilari, metodbirlashma boshlig'i va a'zolarining vazifalarini aniq belgilab qo'yish lozim.

## 2-hafta

**Ochiq darslar haftaligi**

Dushanba — 5-«A» sinfda «—» mavzusida. O'qituvchi —

Seshanba — 6-«B» sinfda «—» mavzusida. O'qituvchi —

Chorshanba — «...» sinfda «—» mavzusida. O'qituvchi —

Payshanba — «...» sinfda «—» mavzusida. O'qituvchi —

Juma — «...» sinfda «—» mavzusida.

Shanba — «...» sinfda «—» mavzusida. O'qituvchi — kabi tartibda sinflar va mavzular aniqlanib, mashg'ulotlarni olib boradigan o'qituvchining ismi- sharifi ko'rsatilib, ochiq darslar jadvali avvaldan tayyorlanadi va maktabning e'lonlar doskasiga osib qo'yiladi. Ochiq darslar jadvali asosida mashg'ulotlarning o'tkazilishida ota-onalar, o'qituvchilar, metodistlarning darslarni faol kuzatishi va tahlil qilishi maqsadga muvofiq.

## 3-hafta

**Matematik marafonlar haftasi**

Dushanba: — 5- sinflar uchun «Matematik bellashuv». Mas'ul: —

Seshanba: — 6-sinflar uchun «Yulduzli soat». Mas'ul: —

Chorshanba: — 9-sinflar uchun «Bilimdonlar va zukkolar». Mas'ul: —

Payshanba: — 7-sinflar uchun «Katta poygalar». Mas'ul: —

Juma: — 8-sinflar uchun «Kim? Nima? Qachon?».

Shanba: — «Qiziqarli matematika darslari» Mas'ul: — kabi mavzular va ularni tashkil etishga mas'ullar belgilanib, tuzilgan jadval e'lonlar doskasiga ilinadi. Tadbirlarning tashkil etilishi va o'tkazilishiga o'quvchilar, maktab jamoasi jalb etiladi.

## 4-hafta

**Sinfdan tashqari mashg'ulotlarning natijalari**

Dushanba: — «—» sinflarda olib borilgan to'g'arak ishlarning hisobotlari.

Seshanba: — to'g'arak a'zolarining chiqargan devoriy gazetalarini, o'quvchilar va o'qituvchilar tomonidan tayyorlangan ko'rgazmali materiallar

tanlovi, tayyorlangan dars ishlarni, sinfdan tashqari mashg'ulotlar va eng namunali matematika va informatika daftari kabilar ko'rgazmasi.

Chorshanba: — fan oyligi davomida olib borilgan ishlarni, eng yaxshi matematika va informatika fanlari o'qituvchilarining faoliyatini ommaviy axborot vositalari, radio, televideniye orqali targ'ib qilish.

Payshanba: — olimlar, tuman, shahar, viloyatdagi eng yaxshi matematika fani o'qituvchilari, ustoz-o'qituvchilar bilan uchrashuvlar.

Juma: — «Matematika fani ravnaqiga hissa qo'shgan O'rta Osiyo olimlari» mavzusida to'garaklarning ochiq mashg'ulotlarini tashkil etish.

Shanba: — amalga oshirilgan ishlarning hisobotlarini olish, umumlashtirish kabi ishlar rejalashtiriladi. Belgilangan tadbirlarda o'quvchilar, ularning ota-onalari, mahalla faollari, maktab jamoasining ishtirok etishi ta'minlanadi.

Fan oyligi davomida olib boriladigan har bir rejalashtirilgan ish yorqin rangli reklama tarzida maktabning e'lonlar doskasiga osib qo'yiladi. Fan oyligining yakunida o'quvchilarning bilim, ko'nikma va malakalari aniqlanib, tahlil qilinadi va natijalar metodbirlashmada muhokama etiladi. Xalq ta'limi vazirligi tomonidan yetkazib berilgan elektron dars ishlarni, elektron darsliklar haqida ma'lumotlarni aks ettiruvchi hamda informatika fan oyligini o'tkazishga yo'naltirilgan ish reja aks ettirilishi maqsadga muvofiq.

O'tkaziladigan tadbirlar, ochiq darslar va olib borilgan sinfdan tashqari ishlarga ota-onalar ham jalb qilinadi.

Matematika va informatika fanlaridan bir vaqtda fan oyligi o'tayotganini hisobga olib integrallashgan ochiq darslar ham tashkil etish maqsadga muvofiqdir. Masalan, 7,8,9-sinflarda matematika darslarida internet tizimidan «Algebra» dan mavjud mavzuga oid elektron darslikni topish va tahlil etish mumkin. Izlash jarayoni uchun ko'p vaqt sarflanishi hisobga olinganda, aniq manzil orqali material olib mavzuni o'rganish maqsadga muvofiq bo'ladi. Masalan, 7-sinf uchun professor N.Tayloqov boshchiligida tayyorlangan elektron o'quv majmuadan foydalanib ([www.algebra7.dars.uz](http://www.algebra7.dars.uz) sayti) biror mavzuga oid materialni topishga bag'ishlangan muammoli dars tashkil etish ham mumkin.

Fan oyligining yakunlanishi bayramona ruhda o'tkaziladi. Unda mazkur jarayonda faol ishtirok etgan o'quvchilar, o'qituvchilar, sinflarning reytingi chiqariladi, uning natijalariga ko'ra faol sinflar, o'quvchilar va o'qituvchilar rag'batlantiriladi. Fan oyligini tashkil etish va uni o'tkazish bilan bog'liq barcha olib borilgan ishlar aks ettirilgan hujjatlar, fotoalbomlar va boshqa materiallar maktabning metodbirlashmasida saqlanadi.

**M.TILLABOYEVA,**  
**RTM Tabiiy va aniq fanlar bo'limi boshlig'i,**  
**L.N.TEN,**  
**matematika fani bosh metodisti**

## Yangilik

Bir soatlik darsning namunali tashkil etilishi ta'lim sifatini oshirishda ustuvor urun tutadi. Bu jaraён esa ўqituvchidan chuqur bilim, maълum тайёргарлик ва албатта, синф хонасида моддий-техник жиҳозлар бўлишини тақозо этади. Инсоният тараққийнинг бугунги даврида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг қанчалик аҳамиятли эканлиги ҳозир ҳеч кимга сир эмас. Таълим – доимий ривожланишни талаб этадиган, ҳатто ўрни келганда тараққийдандан-да, олдинда юрши лозим бўлган қизгин жараён.

Барча ўқув fanlari бўйича электрон ўқув воситаларининг яратилиши fanlarni ўқитишда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтирмоқда. Бу, ўз навбатида, ўқувчиларнинг белгиланган билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш самардорлигини оширади. Халқ таълими вазирилик ҳузуридаги Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази томонидан ҳозир умумтаълим мактаблари учун Давлат таълим стандартлари талабларига

## ЗАМОНАВИЙ МУЛЬТИМЕДИА СТУДИЯСИ ИШГА ТУШДИ

мувофиқ электрон ўқув адабиётлари ва қўлланмаларни яратиш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

2012 йилнинг дастлабки ойда марказда муҳим янгилик — замонавий мультимедиа студияси ишга туширилди. Марказда бугунги кунда фаолият юритаётган 29 нафар мутахассис билан биргаликда корейлик 3 нафар халқаро эксперт ҳамда ўқитувчилардан иборат 9 нафар маҳаллий эксперт ҳамкорликда электрон ахборот-таълим ресурсларини ишлаб чиқиш устида иш олиб бормоқда. Бу каби ишлар, ўз навбатида, fan ва таълим соҳасида халқаро алоқалар кенгайиб бораётганидан ҳам дарак беради.

Студияда тасвирга олиш жараёнини бошқариш, аудио-видео ёзишни назорат қилиш, суратга олинган материалларни монтаж қилиш ва сақлаш ишларини юқори сифатда амалга ошириш учун зарур бўлган барча замонавий техник воситалар мавжуд. Бунинг учун аппарат бўлимида 4та энг сўнги русумдаги компьютер ва махсус замонавий қурilmalar билан жиҳозланган монтаж столи ўрнатилган. Монтаж столида экранлардаги видеотасвирларни биридан иккинчисига ўтказувчи Video switch ва студияда ёзиш пайтида овозни назорат қилиш учун audio mixer ҳам жойлаштирилган.

Дарҳақиқат, замонавий студия ўрнатилгани Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш марказида иш унуми ва сифатига ўз таъсирини кўрсата болади. Айни пайтда турли fanlar бўйича ахборот-таълим ресурслари яратиш ишлари янада жадаллик билан амалга оширилмоқда.

— Шиддат билан ривожланиб бораётган ахборот-коммуникация даврида яшаётганимиз биз учун ўқиш ва ўргатишнинг энг илғор усулларини қўллашни тақозо қилмоқда, — дейди Республика таълим маркази спорт бўлима бosh методисти Фуркат Нажимов. — Биз ҳозир Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш марказида 5–6- sinflar учун мультимедиа электрон ахборот-таълим ресурслари яратиш устида иш олиб бораёلمиз. Спорт майдонларида бўлиб, видеотасвир ҳамда фотосуратлар тайёрладик, студияда улар монтаж қилинди. Тайёрланаётган ушбу электрон адабиётлар ўқитувчи ва мураббийларимиз учун, аввало, ўқувчи-ёшларимиз учун қатор қулайликлар тугдирди.

Ахборот-таълим ресурсларининг одатий дарсликлардаги назарий маълумотларга қўшимча равишда товуш ва матн, видео маълумотлар билан бойигани ўрганиш ва таълим бериш учун қулайликларга эгаллиги билан аҳамиятлидир. Уларнинг илмий, амалий харақтери ва турли ёшдаги ҳамда таълим олиш даражасига эга ўқувчиларга мўлжаллангани ҳам ютуқлар асосидир.

**Ғолиб БАҲРОМОВ**

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Болалигимда ҳар хил нарсалардан турли буюмлар ясардим, — дейди Исломбек соҳага қизиқиши куртақ ёзган дамларни эслаб. — Қандай техника бўлмасин, ичини очиб, қисмларга ажратиб, яна йиғишга қизиқардим. Синфдошларим орасида ўз ўрнини бўлиши, ҳар қандай масалада ўз фикримни билдиришга интилардим.

Уша пайтларийёқ кашфиёт ва янгиликлар яратишга қизиққан Исломбек "Моҳир кўллар" тўғарагида ясаган ракета моделлари билан тенгдошларини ҳайратга соларди. Орзулари бир олам болакайни ўз қизиқишу қўбилияти бўйича соҳага йўналтиришда оилавий муҳит алоҳида аҳамият касб этди.

— Илада катта ўғил бўлганим учунми, кўпроқ мустақил ҳаракат қилишга ўргандим, — дейди қаҳрамонимиз. — Отам Илҳомжон Қутфиддинов — тadbиркор. Онам Нодирахон Усмонова — рус тили фани ўқитувчиси. Отаним чин маънодаги устозим, дея оламан. Доим мени ўзи билан бирга олиб юрарди. Ҳисоб-китоб ишларида ҳам ёрдам берардим. Умуман, тadbиркорликка, ишбилармон, ҳар ишнинг кўзини биладиган кишиларга ҳавас ёшлигимдан шакланган, десам янглишмаган бўлман. Бу иштиёқ мактабда ўқиб юрган кезларим янада кучайди. Биринчи ўқитувчим Дилфуза Сулаймонова ҳам кўпроқ мустақил ишлашга йўналтирадиган топшириқлар берарди.

Ўқувчилик йиллари информатика, тарих ва чет тилига қизиқиши кучли бўлган Исломбек Наманган шаҳридаги 31-мактабни тамомлаб, вилоятдаги муҳандислик иктисодиёт институти (ҳозирги Наманган муҳандислик-технологик институти)га ҳужжат топширди. Тест имтиҳонларидан муваффақиятли ўтиб, талабалик бахтига эришди. Олий ўқув юртидаги таҳсил жараёнида изланишларини янада кенгайтиришга имкон яратилди. Талабалик пайтлари институти ва вилоят микросида ўтказилган иктисодий мавзудаги турли илмий-амалий конференцияларда устозлари Камолддин Матқаримов, Рустам Муродов раҳбарлигида фаол иштирок этди. 2009 йили "Ёш тadbиркор — юрта мададкор", "Келажақ овози" республика танловларида ўз бизнес лойиҳалари билан қатнашиб, ғолиб бўлди. Қолаверса, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими томонидан ўтказиладиган тadbирларда доим илгорлар сафида бўлди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят Кенгаши "Ёшлар қаноти" етакчиси сифатида фаолият кўрсатди. Иктисодий мавзудардаги илмий-оммабоп мақолалари вилоят ва республика газета-журналларида мунтазам ёритиб борилади.

Дарвоқе, унинг илк бизнес лойиҳаси ҳақида икки оғиз. Исломбек 2009 йили "Келажақ овози" танловининг "Ах-

## ЭРТАДАН УМИД ҚИЛСАНГ, БУГУНДАН ҲАРАКАТ ҚИЛ!



### Istiqloq va imkoniyat

борот технологиялари ва рационализаторлик тақлифлар, техник ишланмалар" номинацияси "Ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш ва менежмент" йўналишида "Кўпикбетон" лойиҳаси билан иштирок этди. Иқтидорли талаба тақдим этган мазкур лойиҳа кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Хамлар ҳайрати ва соҳа мутахассисларининг эътирофига сазовор бўлди.

— Биламизки, қурилиш саноатида фойдаланиш учун қулай, пишққ ва арзон маҳсулотларга эҳтиёж катта бўлади, — дейди у бу ҳақда маълумот бераркан. — Мен тавсия қилган кўпикли бетон ҳам шундай. Масалан, таркиби совун, кум ва кимёвий воситалардан иборат бўлган 30 см.ли шундай материал иссиқлик ўтказувчанлиги билан 75–90 см.ли керемзит бетон ёки 150–180 см.жойдаги гиштининг ўрнини боса олади. Тўғри, кўпикбетон бошқа мамлакатларда анчадан буён қўлланиб келади. Мен эса ўз лойиҳамда уни маҳаллий шароитда тайёрлаш ва фойдаланиш бўйича фикрларимни баён этганман.

Жажи кашфиётнинг бинокорлик саноати корхоналари томонидан қўллаб-қувватлангани келгуси изланиш-

ларига қанот бағишлади. Албатта, ўқиш билан бирга бу ишларнинг ҳаммасига улгуриш осон эмас. Бунда Исломбекка ота-онаси, устозлари, яқин дўстлари катта ёрдам берди, уни ҳамиша қўллаб-қувватлаб, янги ютуқлар сари қадам ташлашга руҳлантирди. Исломбекнинг ҳаётдаги шори ҳақиқий тadbиркорларга хос: эртадан умид қилсанг, бугундан ҳаракат қил! Шунга яраша ўзи ҳам тиниб-тинчимайди, ҳар муҳим ишда аниқ режа, пухта тайёргарликка таянади.

— Исломбек билан танловлардан бирида танишгандик, — дейди унинг дўсти НамДУ педагогика факультети талабаси Орифжон Жўраев. — Очигини айтсам, аввало, шунча ютуққа эришган

йигитчанинг камтарлиги, самимийлиги эътиборимни тортди. У билан сўхбатлашиб, ўз танлаган соҳасинигина яши билмиши эмас, бошқа соҳалардаги янгиликлардан ҳам хабардор эканига ишонч ҳосил қилдим. Айниқса, унинг ижтимоий ҳаётимиздаги ўзгаришларга беварқ эҳаслиги, аксинча, ислохотлар ҳақида ўз қарашига эга экани ҳайрон қолдирганди. Энг муҳими, у ўзига, салоҳиятига ишонади ва ҳамиша олдинга интилади.

Ҳа, Исломбек иш жараёнида ўзига ва бошқаларга ўта талабчанлиги, меҳнатсеварлиги, самимияти билан яқинлари, танишларининг ҳурматини қозонган. Шу каби жиҳатлари унинг бугунги ютуқларига замин ҳозирлади.

— Ўтган 2011 йил мен учун ютуқларга бой, омадли ва унутилмас йил бўлди, — дейди ёш тadbиркор. — Институти аъло баҳолар билан тамомладим. Президентимиз 30 сентябрь куни вилоятимизга ташриф буюрди. Мамлакатимиз раҳбари Наманган шаҳридаги муҳташам "Ёшлар маркази"да бир гуруҳ иқтидорли ёшлар билан самимий мулоқотда бўлди. Ушбу учрашув-

да мен ҳам иштирок этдим. Юртбошимиз билан учрашиш ва сўхбатлашиш бахтига муяссар бўлганимдан жуда хурсандман.

Шундай кўтаришми кайфиятда "Водий-ёғоч-саудо" хусусий корхонасида мустақил иш бошлаган Исломбек мазкур корхонада ўз ташаббуси билан трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш-ни йўлга қўйди.

— Ушбу гоёна амалиётга татбиқ этишда Президентимизнинг "2011–2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "2009–2011 йилларда Наманган вилоятда саноатни ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш дастури тўғрисида"ги қарорлари айнаи мудабо бўлди, — дейди И. Қутфиддинов. — Ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун корхона ҳисобидан иқтисод қилинган маблағлардан фойдаланган ҳолда, 140 миллион сўмлик маблағ эвазига Япония ва Хитойнинг энг замонавий тикув машиналарини олиб келиб ўрнатдик. Корхонада дастлаб 4 нафар ишчи ходим билан иш бошланган бўлса, ҳозирги кунга келиб, уларнинг сони 45 нафарга этди.

Асосан, касб-ҳунар коллежи битирувчиларини иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратдик. Шу кунларда маҳсулотга эҳтиёж ортгани боис, яна 20 та янги иш ўрни яратмоқчимиз. Ҳозир эса 10 турдаги ишлаб чиқарилган маҳсулотимизни Россияга экспорт қилмоқдамиз. Экспорт ҳажми дастлаб 38400 АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, 2011 йил охирига келиб, бу кўрсаткич 361167 АҚШ долларига етди. 2012 йили эса ушбу кўрсаткич-ни икки баробарга оширишни, оилавий бизнесни ривожлантиришни режалаштирганмиз.

Энг катта мақсадим — "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиги остидадаги энг рақобатбардош маҳсулотлар билан мамлакатимиз иктисодиётининг янада тараққий этишига ҳисса қўшишдир. "Ташаббус" кўрик-танловда иштирок этиш ниятим ҳам бор.

— Ҳозирги ёшлар янгиликка, техникага жуда ўч, — дея давом этади Исломбек тенгдошлари ҳақида гапираркан. — XXI аср ёшларининг диққатини улар қизиққан соҳа ва маълумотлар орқалигина жалб қилиш мумкин. Истиклол ёшлари жўшқин, қизиқувчан, ўз эркин ва мустақил фикрига эга. Одамлар ва техника билан муносабатда ҳам улар замонавий ва маданиятли бўлишга интиладилар. Уларга қарата шундай деган бўлардим: "Тинчлик ва унинг неъматларидан унумли фойдаланайлик. Тараққийёт ва ижтимоий ҳаёт билан ҳамнафас бўлиб яшашга, улуг' аждодларимизга муносив авлод бўлишга ҳаракат қилайлик!"

Беҳзод ФАЗЛИДДИН

Пойтахтимиздаги 97-мактабда "Илм—бахт келтирар, ҳунар тахт келтирар" мавзусида ўқувчиларни касбга йўналтиришга бағишланган "Очиқ эшиклар куни" тadbiri бўлиб ўтди. Тadbирга турли касб эгалари ва маҳалла фаоллари тақлиф этилди. Тadbир аввалида илм масканининг "Орас-та қизлар" тўғараги аъзолари томонидан тайёрланган кўргазма намойиш этилди.

Тadbирга ташриф буюрган мутахассислар, ўқитувчилар касблар ва уларнинг аҳамияти, касб танлашда эътибор қаратиладиган жиҳатлар, ота-оналар ҳамда педагог-психологларнинг ҳамкорлиги хусусида фикр билдирдилар. Ўқувчи-ёшлар томонидан берилган саволларга атрофлича жавоб қайтардилар.

— Ушбу амалий тadbирда ўқувчиларимиз нафақат касб-ҳунарлар ҳақида маълумотга эга бўлдилар, — дейди илм масканининг "Нафосат" хотин-қизлар клуби раиси Сайёра Сағдиева. — Балки ушбу жараёнда эътибор берилиши лозим бўлган жиҳатларни ҳам билиб олдилар. Мутахассислар томонидан билдирилган фикрлар, тавсиялар ўқувчиларимиз учун айнаи мудабо бўлди.

Тadbир доирасида илм масканининг ўқувчи-қизлари ўртасида "Ҳунарли қўллар гўзаллик яратар" ҳамда ўғил болалар ўртасида "Балли, йигитлар" кўрик-танловлари ҳам ташкил этилиб, энг фаол ўқувчилар рағбатлантирилди.

Б.РИЗОКУЛОВ олган сурат.



ЯКУНИЙ ВА БОСҚИЧЛИ НАЗОРАТ СИНОВИ

сарҳисоб, таҳлил ва хулосалар мезони

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Умумий ўрта таълим муассасалари битирувчи IX, (XI\*) синф ўқувчиларининг билим, малака ва кўникмалари оғзаки, ёзма ёки тест усулида якуний давлат аттестациясидан, IV-VIII, (X\*\*) синф ўқувчилари эса босқичли назорат имтиҳонларидан ўтказилиши назарда тутилмоқда.

Айрим фанлар ҳуқуқ ўрганиладиган мактабларнинг V-VIII синфларида ихтисослашган ўқувчиларидан кўшимча имтиҳон топшириш учун имтиҳонлар мuddати 3 кунга узайтирилиши мумкин.

а) IX синф битирувчилари учун якуний давлат аттестацияси

Table with 3 columns: Subject, Method, Date. Includes subjects like Language, Math, Physics, History, and dates like 26 May and 29 May.

б) XI синф битирувчилари учун якуний давлат аттестацияси

Table with 3 columns: Subject, Method, Date. Includes subjects like Language, Math, Physics, and dates like 31 May and 28 May.

в) IV - VIII ва X синфлар учун босқичли назорат имтиҳонлари

Large table with 3 columns: Subject, Method, Date. Lists subjects like Language, Math, Physics, Chemistry, Biology, Informatics, Geography, and dates from 10 to 27 May.

лим олувчиларни синфдан-синфга кўчириш муваққат тартиби» ҳамда «Якуний давлат аттестацияси ва босқичли назорат имтиҳонларини ўтказувчи имтиҳон комиссияси аъзоларининг ҳуқуқ ва вазифалари» тасдиқланди.



ган тавсия ва мезонлар асосида ўтказилади ҳамда ўтказиш мuddати мактаб педагогика кенгаши томонидан белгиланади.

Республика таълим марказида 2012 йилнинг 1 апрелига қадар таълим ўзбек, қорақалпоқ, тожик, туркман, қозоқ ва қирғиз тилларида олиб бориладиган ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча умумий ўрта таълим мактаблари учун якуний давлат аттестацияси ўтказиладиган фанлар бўйича, шунингдек, кўзи ожиз, кар, заиф эшитувчи, полиомелит (таянч ҳаракат аъзолари шикастланган), нутқда нуқсонли бўлган болалар мактаб-интернатлари учун она тили ва адабиёт (баён), математика (ёзма) фанларидан битириш имтиҳонлари материаллари тайёрланиб, Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари тасарруфидаги таълим муассасаларига етказилади.

Шундан келиб чиққан ҳолда мазкур буйруқ асосида вазирлик тасарруфидаги тегишли ташкилотларга умумий ўрта таълим муассасаларида 2011-2012 ўқув йилини яқунлаш, ўқувчиларнинг билим, малака ва кўникмаларини якуний аттестациядан ўтказиш, уларни синфдан-синфга кўчириш бўйича босқичли назорат имтиҳонларини ташкилий-услубий жиҳатдан юқори савияда ўтказиш бўйича зарур вазифалар юқланди.

Мазкур буйруқнинг қабул қилиниши муносабати билан вазирлиқнинг 2011 йил 23 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим муассасаларида 2010-2011 ўқув йилини яқунлаш, ўқувчиларни билим, малака ва кўникмаларини якуний давлат аттестациясидан ўтказиш, уларни синфдан-синфга кўчириш бўйича босқичли назорат имтиҳонларини ташкил этиш тўғрисида»ги 27-сонли буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади.

Мазкур Тартиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида»ги 2003-сонли қарори асосида ишлаб чиқилган бўлиб, таълим олувчиларни синфдан-синфга кўчиришни тартибга солади.

I. Умумий қоидалар

1. Умумий ўрта таълим муассасаларининг (кейинги ўринларда мактаб деб юритилади) таълим олувчилари, билим олиш усулидан қатиъан назар, ҳар бир синфнинг дастурларини муваффақиятлилик ўзлаштириб, белгиланган ўқув фанларидан босқичли назоратдан ҳам муваффақиятли ўтганидан сўнг кейинги синфга кўчирилади.

Мазкур Тартиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 29 октябрдаги 473-сон қарорига асосан 2004-2009 йилларда Ўзбекистон Республикасида академик лицейлар ва касб-хунар коллежларини ишга туширишнинг аниқ йўналтирилган дастури ижроси тўлиқ таъминлангунга қадар, ўтиш даврида X синф(кейинги ўринларда X синф деб юритилди)да таълим олувчиларига ҳам татбиқ этилади.

2. Таълим олувчиларнинг билими, малака ва кўникмаларига қўйилган талабларнинг бажарилиши бўйича босқичли назорат (ёзма ёки оғзаки имтиҳон ҳамда тест топшириқлари шаклида) IV-VIII ва X синфларда ўқув фанларининг амалдаги ўқув дастури ва давлат таълим стандартлари асосида ўқув йилининг якуни бўйича ўтказилади.

3. Таълим дастурларини давлат таълим стандартлари талаблари даражасида ўзлаштирган ва барча ўқув фанларидан йил якуни бўйича ижобий баҳоланган ёки битта ўқув фанидан қониқарсиз баҳоланган (ушбу фан бўйича босқичли имтиҳон топшириш шарти билан) таълим олувчилар босқичли назоратга қўйилмайдилар.

4. Шартнома асосида мактабларда таҳсил олаётган чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар босқичли аттестацияга мазкур Низомнинг 3-банди асосида қўйилмайдилар.

II. IV-VIII ва X синфларда таълим олувчиларнинг босқичли назоратини ўтказиш тартиби

5. Босқичли назоратни ўтказиш мuddати ҳамда имтиҳон топшириладиган фанлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг тегишли буйруғи билан белгиланади.

Босқичли назоратда имтиҳонлар ўтказиш тартиби Халқ таълими вазирлигининг 2008 йил 4 мартдаги 56-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Умумий ўрта таълим олувчиларнинг якуний давлат аттестацияси тўғрисида Низом» талаблари асосида ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ва Халқ таълими вазирлиқларининг 1995 йил 22/23 майдаги «Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини касаллиги туфайли синфдан-синфга кўчириш ва битириш имтиҳонларидан озод қилиш тўғрисида»ги 99/230-сонли қўшма буйруғи билан тасдиқланган касалликлар рўйхати ва йўриқномага асосланган ҳолда соғлими бўйича:

IV. Ёзги топшириқлар ва такрорий имтиҳонлар

14. Барча турдаги умумий ўрта таълим муассасалари томонидан синфдан-синфга кўчирилиши маълум мuddатга кечиктирилган таълим олувчиларга ўзлаштира олмаган фанлардан ёзги ўқув топшириқлари берилади.

Ёзги ўқув топшириқлари барча синфларда фанлар бўйича амалдаги ўқув дастури асосида фан ўқитувчиси томонидан тузилади ҳамда муассасанинг мазкур ўқув фани методбирлашмалари томонидан тасдиқланади.

15. Ёзги топшириқларни

чораклик, ярим йиллик баҳолари асосида ўқув машғулотлари тугашидан 3-5 кун олдин чиқарилади.

20. 1-синфда таълим олувчилар тиббий-педагогик комиссия хулосаси асосида мактаб педагогика кенгаши қарори билан қайтадан ўқиш учун синфда қолдирилади.

21. II-VIII ва X синфлардан кейинги синфга барча ўқув фанларидан ижобий йиллик ва якуний баҳолаarga эга бўлган таълим олувчилар ўтказилади.

Шу синфларда уч ва ундан ортиқ фанлардан қониқарсиз ҳоллардан II-VIII ва X синфда таълим олувчи мактаб педагогика кенгаши қарори билан қайтадан ўқиш учун синфда қолдирилади.

Бир ёки иккита фани ўзлаштира олмаган таълим олувчилар ўқув йили тугагандан сўнг 2 hafta ўтгач ёки август ойида ёзма ёки оғзаки синовлардан (имтиҳонлардан) ўтказилади ва ижобий баҳоланган педагогика кенгаши қарори билан синфдан-синфга кўчирилади.

Таълим олувчи бу синовлардан ҳам ўта олмаган тақдирда мактаб педагогика кенгаши қарори билан у такроран синфда ўқишга қолдирилади.

22. Таълим олувчининг такроран синфда қолдирилганлиги ёки унинг кузга вазифа олгани ҳақидаги педагогика кенгашининг қарори 3 кундан кеч бўлмаган мuddатда таълим олувчига ва унинг ота-онасига ёзма равишда маълум қилинади.

23. Таълим олувчининг мактабда ўқиниши давом эттиришига саломатлиги туфайли монелик кўрсатувчи омилар хусусида тиббий хулосалар мавжуд бўлса, ота-онасининг розилиги билан ва педагогика кенгашининг қарорига асосан, у ихтисослаштирилган таълим муассасасига тиббий-педагогик комиссия йўланмаси билан ўтказилади.

VI. Синфдан синфга кўчириш ҳақидаги ҳужжатларни расмийлаштириш ва аълочи таълим олувчиларни тақдирлаш

24. Йиллик баҳолари ижобий бўлган ҳамда босқичли назорат имтиҳонларини муваффақиятли топширган таълим олувчиларга ўқув табиели тўлдирилади ва синф раҳбари ҳамда директор томонидан имзоланиб, муҳр босилиб расмийлаштирилади.

25. Барча фанлардан йиллик якуний баҳолари «аълочу», ҳулқи «намунали» бўлган таълим олувчилар мактабнинг «Мақтов ёрлиғи» билан тақдирланадилар.

VII. Якуний қоидалар

26. Мазкур Низом талабларини бузган шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган жавобгарлик чоралари қўлланилади.

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЪЛИМ ОЛУВЧИЛАРНИ СИНФДАН-СИНФГА КЎЧИРИШ МУВАҚҚАТ ТАРТИБИ

директори, унинг ўринбосари ёки мактаб ўқитувчиси; ушбу синфда мазкур фандан дарс берувчи (имтиҳон олувчи) ўқитувчи.

Имтиҳон ўтказиладиган синфга дарс берувчи ўқитувчи шу фандан имтиҳон комиссиясининг раиси бўлиши мумкин эмас.

8. Ўқув фани бўйича имтиҳон комиссияси аъзоларининг вазифалари Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланади.

9. Чет элларда вақтинча таълим олган (ота-онаси хориждаги дипломатик корпусларда ишлаган, турли танловлар ёки чет мамлакатларнинг грантлари ҳисобига таълим олган) IV-VIII ва X синфда таълим олувчиларни босқичли назорат имтиҳонларига қўйиш масаласи Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси томонидан кўриб чиқилади.

V. Таълим олувчиларни синфдан-синфга кўчириш тартиби

18. Босқичли назорат имтиҳонларини муваффақиятли топширган таълим олувчилар кейинги синфга кўчирилади.

19. Умумий ўрта таълим фанларидан I-VIII ва X синфларда таълим олувчиларнинг билими ва кўникмалари бўйича йиллик баҳолари уларнинг



# МАХСУС МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ

## унда тиббий ва таълимий коррекциялашга асосий эътибор қаратилмоқда

Фарзанд — улугъ неъмат. Қадимда мусаввирлар фаршани гўдак қиёфасида тасвирлашган, бунда рамзий маъно бор. Чунки бола шу қадар пок ва шу қадар бегуборки, унинг тимсолида эзгулик — улкан, ҳаётбахш орзу-умидларни кўрамиз. Шунинг учун ҳар бир болага меҳр берамиз, ардоқлаймиз. Айниқса, жисмоний имконияти чекланган болаларга янада кўпроқ эътибор ва ғамхўрлик талаб этилиши табиий. Бу жараёнда болага меҳр билан махсус соғломлаштириш муолажалари ва таълим-тарбия бериш тақозо этилади.

Бола дунёга келиши билан ҳар бир ота-она фарзанди келажаги учун қай-қуради. Нафақат ота-оналари, ҳатто ақинлари ҳам уларга ёрдам беришга ошқоқиди. Албатта, жисмоний имконияти чекланган болалар 1,5-2 ёшга етгунча оила даврасида, шифокорлар назоратида парваришланади. Сўнгра боланинг ижтимоий муҳитга мослашуви таъминлаш мақсадида махсус мактабгача таълим муассасалари хизматига таянилади. Давлатимиз томонидан ижтимоий ҳимояга қатта эътибор қаратилмоқда. Ҳар бир боланинг таълим олиш, тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи қадриятланган. Шунга кўра, ҳеч бир бола соғломлаштириш ва таълим-тарбия жараёнидан четда қолмаслиги таъминланган. Шунингдек, имконияти чекланган болаларнинг ҳам жамиятимизнинг фаол аъзоси бўлиши учун зарур шарт-шароит яратилган.

Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат махсус мактабгача таълим муассасаларининг фаолиятини такомиллаштираш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва унга асосан Халқ таълими вазирлигининг «Давлат махсус мактабгача таълим муассасалари тўғрисида»ги Низомини қабул қилинди. Ушбу меъёрий ҳужжатлар ва шу йўналишда олиб борилаётган ислохотлар юзасидан Халқ таълими вазирлиги мактабгача таълим муассасалари бўлими бошлиги Сабоҳат Миржалилова куйидагиларни сўзлаб берди:

— Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат махсус мактабгача таълим муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори га асосан умумий типдаги мактабгача таълим муассасаларида тарбияланаётган имконияти чекланган болаларга муайян тиббий-таълимий тарбия бериш мақсадида махсус гуруҳлар тугатилиб, ундаги болалар махсус МТМларга ўтказилди. Нутқи, эшитиш ва кўришда энгил нуқсонлари бор болаларда адаптация жараёни энгил кечилиши таъминлаш ҳамда руҳиятида соғлом болаларга

тенглашиш ҳиссини кучайтириш асосий мақсад қилиб олинди. Уларнинг мослашувчанлигини энгиллаштириш мақсадида оммавий мактабгача таълим муассасаларида тизимли ва илмий асосланган тарзда иш олиб бориш учун дефектолог штати жорий этилди. Шунингдек, махсус МТМ раҳбар, педагог ва тиббий ходимларига алоҳида меҳнат шароитлари учун лавозим маошлари ва тариф ставкаларига юз фоиз миқдориди кўшимча тўлов белгиланди. Махсус МТМлардаги таълимий ва тиббий жараёни модернизиациялашга хизмат қилиш йўлида ишлаб чиқилган «Давлат махсус мактабгача таълим муассасалари тўғрисида»ги низомга кўра тарбияланувчиларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш, уларнинг ривожланишидаги нуқсонларини мунтазам равишда коррекциялаш, бола шахсини шакллантириш, унинг билим олишга бўлган қизиқишларини ривожлантириш асосий вазифа қилиб кўйилди.

Мақкур яратилган шарт-шароитлар ва кўйилган талабларнинг амалдаги инъикосини Чирчиқ шаҳридаги 27-махсус мактабгача таълим муассасаси мисолида кўриш мумкин. Ушбу муассасада нутқида, эшитишда, кўришда, таянч ҳаракатлари аъзоларида нуқсонлари бор ҳамда ақлий ривожланишида орқада қолаётган ва даун синдромини кузатишган болалар таълим-тарбия олмақда.

### Орзулар ҳақиқатга айланганда...

Болаларнинг ҳар бири ўзгача бир дунё. Болаларнинг барчасига ўзига хос характер-хусусиятларидан келиб чиқиб, индивидуал муносабат билдириш, қизиқишларини юзага чиқариш тарбиячи-педагогдан сермашаққат фаолиятни талаб қилади. Энди, у ёки бу нуқсон билан дунёга келган болани кўз олдингизга келтиринг. У ҳам бола — тенгдошлари қатори қоққиллаб, тўлақонли болани шўхликларини қилишни хоҳлайди. Унинг ҳам таърифларига сизга орзулари, тасаввурларга сизга ўй-хаёллари бор. Уларни рўёбга чиқариш учун аса махсус мактабгача таълим муассасаси ходимлари минг чандон ортиқроқ меҳнат қилишади. Чирчиқ шаҳар тиббий-психологик-педагогик кенгаш ҳайъати аъзолари ҳулоласига кўра, жисмоний имконияти чекланган болалар мақкур 27-«Нихол» мах-

сус МТМда таълим-тарбия олади. Муассаса олий тоифали дефектолог З. Муртазаева коррекцион таълим беришнинг ўзига хос жиҳатлари ҳусусида шундай дейди:

— Эндиликда махсус таълим йўналиши мазмуни ҳам такомиллашмоқда. Биз болаларга беморга қарагандай муносабатдан анча йироқлашдик. 2—7 ёшли болаларга ҳар бирнинг ўз касаллик хусусиятларидан келиб чиқиб, махсус таълим ва тарбия методологияси ишлаб чиқилди. Ҳозир нутқида нуқсонлари бор болалар бир гуруҳда 10—12 нафарни, қарлик таълим кўйилган болалар 8 нафар, заиф эшитувчи болалар 10—12 нафар, кўзи ожиз болалар 6 нафар, заиф кўрувчилар 6—10 нафар, уч ёшгача ақлий ривожланишида орқада қолган болалар 6 нафар, 3 ёшдан катта кучли ақлий ривожланиши паст бўлган-

### Қарор ва ижро

лар 10 нафар, таянч-ҳаракат аъзоларида нуқсонлари бор болалар 6-10 нафар бўлиши белгиланди. Болалар сонининг бундай минимал меъёрга белгиланиши гуруҳ тарбиячиси ва дефектолог, соғломлаштириш-коррекцион ишлар назоратчиси ва шифокорларга ҳар бир бола билан индивидуал тарзда мақсадли ва самарали педагогик-коррекцион амалиёт бажаришда кўл келади. Масалан, Аброржоннинг нутқида нуқсонлари бор. У билан ҳар куни бир соатдан зиёд вақт мобайнида логопед-тарбиячи шуғулланапти. Аброржон муассасамизга илк келган даврида р, с, т, д, л, ш ҳарфларини товуш сифатида умуман ёки тушунарсиз, номаълум талаффуз этарди. Бир ярим йилдан ошқ муддат ўтди. У ҳозир ҳар бир қарорни тўлиқ талаффуз этишга ўрганди. Ҳаттоки Аброржоннинг ўзи ҳарфлар талаффузида хатолликка йўл қўйса, тўғрилаб, сўнгра гапиришга интиляпти.

### Мунгайиб турган бола бўлмасин

Шифокор психоневролог З.Исроилова эса бу жараёни шундай изоҳлади:

— Муассасамизда соғломлаштириш ишларини шундай йўлга қўйганмики, таълимий-тарбиявий, коррекцион машлар ва муолажалар узвийликда олиб борилади. Олайлик, 4 ёшли Мухлисанинг психик ривожланишида орқада қолаётганини сезган ота-онаси бизга олиб келди. Текширув-

лар натижасида маълум бўлдики, бу қизалоқнинг таянч-ҳаракат аъзоларида ҳам нуқсон бор экан. Ҳар куни икки соатга яқин жисмоний-соғломлаштирувчи машқларни, физиотерапия муолажалари руҳий-чиниктирувчи машгулотлар билан биргаликда олиб бордик. Ҳозир қизалоқнинг ўзини тик тутиб юришга интилиши кузатиляпти. Ундаги жижақилик, атрофдагилардан чўчиш, тенгдошлари билан муносабатдан қочиб ва руҳий ўзриқиш ҳолатлари қаймади. Мухлисанинг юз-кўзига инган қувончли кўрганимизда жамоамизнинг руҳланганини кўрсангиз эди...

Ҳар бир боланинг ички кечинмалари, бирор ҳаракатни бажаришга бўлган интилишларини руҳшунос мутахассис сизу биздан кўра кўпроқ ҳис қилишига шу ерда гувоҳ бўлдим.

Болаларни қувноқ ўйин ҳолатига олиб кирган З.Исроилова иш орасида шундай ҳаёт фалсафасини таъкидлаб ўтди: «Гуруҳнинг бир бурчагида мунгайиб турган бола бўлиши мумкин эмас. Ҳар бир болани фаол ҳаёт тарзига қорлаш учун бор шифокорлик салоҳиятини ишга солиб, тиббий муолажаларни бажараман ва қўлимдан келганча актёрлик қобилиятини ишга соламан».

### Болалик ҳудуди

Олий тоифали дефектолог А.Рябова ва таърибли тарбиячи А.Абдуллаева эса байрам эрталигини ўтказиш таррадуида эканлар. Бир пасда болалик ҳудуди га хос байрамона манзара яратилди. Бирин-кетин кириб келишаётган болаларга қараб, уларнинг ўз вужудидаги нуқсонларни йўқотишга ички бир иштиёқни кузатиш мумкин эди. Чунки, уларнинг ҳар бири ҳаракатчан, эртанги кундан умиди билан. Қасалликни энгишга қаратилган куч-қудрати ҳатто кўзида нуқсонлари бор болаларнинг дунёни чарогон тасаввур этишларига кўмаклашаётгандек гўё. Бийрон айтилган шеърлар, эур шашт билан сўзланган жумлаларни жисмоний имконияти чекланган болалар тилидан кўчапти демайсиз. Бу болаларга шу руҳини, шундай кўтаринки кайфиятни бахшида этаётган А.Рябовани суҳбатга қорладим.

— Махсус мактабгача таълим муассасаларида таълим мазмунининг такомиллаштирилаётгани бизнинг фаолиятимизга ҳам сезиларли таъсир кўрсатапти. Ҳар бир бола билан индивидуал ишлашга алоҳида эътибор берилаяпти. Олай-

лик, логопед, сурдо-педагог, дефектолог мутахассислар куннинг биринчи ярмида болалар билан ишлаб, куннинг иккинчи ярмида тарбиячи-педагоглар ёрдамига суянади. Шунингдек, ҳар бир боланинг ривожланиш мониторинг натижаларига қараб, улар билан шуғулланишда яна нималарга эътибор қаратишимиз кераклигини белгилаямиз. Мисол учун Одилжоннинг таянч-ҳаракат аъзоларида нуқсонлари бор. Жисмоний машқлар, массаж, физиотерапия даволаш муолажаларидан сўнг унинг умумий ҳолати анча яхшиланди. Шундан сўнг унинг расм чизишга, тасаввурларини чизгиларда тасвирлашга бўлган қобилияти юқорилигини сезиб қолдим. Ҳозир у ўзига хос дид ва дунёқараш билан чизган тасвирлар орқали турли танловларда муваффақиятли иштирок этиб келаяпти.

### Гап ҳақда эмас, эътиборда

... Шу пайт байрам дастури давом этаётган даврага кўплаб меҳмонлар турли ҳақялари билан кириб келиши. Тошкент шаҳар «Асака банк» АТБ, Чирчиқ шаҳар прокуратураси, деҳқон бозори маъмурияти, «Ўзбекхиммаш» ОАЖ, «Энергомаш» заводи жамоалари, «Пекин-Чирчиқ-ЛТД», «Чирчиқ коммунал сервис», «Чирчиқ керамика» ОАЖ каби бир қатор корхоналар ҳамда давлатимизда фаолият олиб бораётган сиёсий партияларнинг шаҳар кенгаши вакиллари ҳомийлик ёрдамларини кўрсатишди. Моддий ёрдам сифатидаги маблағлар, маънавий техника воситаларидан ташқари кийим-кечаклар, спорт анжомлари, ўйинчоқлар, ширинликлар болаларни хушнуд қилди. Муассаса мудираси С.Йўлдошева шундай дейди:

— Сўнгги йилларда давлатимиз томонидан махсус мактабгача таълим муассасаларига берилган эътибор туфайли соҳада кўплаб ўзгаришлар рўй берди. Ҳомийларнинг бизга кўрсатаётган ёрдамлари ҳам шарт-шароитларимизнинг янада яхшиланишига сабаб бўлаяпти. Қатор таъмирлаш ишлари, таълим-тарбия ва коррекцион соғломлаштириш машқларини олиб бориш учун маъжуд базамизнинг бойитди. Кераклик таълим хизматлари, усуналари орқали коррекцион таълимий жараёни ташкиллаштиришимиз натижасида умумий мониторинг ҳолатини кўтарилди. Бу сай-ҳаракатларнинг барчаси тарбияланувчиларимизнинг юз-кўзларида акс этадиган қувонч учундир.

Насиба ЭРХОНОВА,  
«Ma'rifat» муҳбири

**Болалар китобхонлигига бағишланган бир анжуманга боргандим. Тадбир иштирокчиларининг ақсарияти, шубҳасиз, ахборот-ресурс маркази (АРМ) ходимлари эди. У ерда бир ҳолат эътиборимни тортди. Ёзувчи-ю шоирлар болани китобга қизиқтириш тўғрисида куйиб-пишиб гапирётган бўлсалар-да, катнашаётган кутубхоначиларнинг учдан бир қисми ҳам диққат ва эътибор билан тингламади. Ҳолбуки, маърузалар улар фаолиятининг ривожига ҳақида эди...**

Бу ҳолат менга қаттиқ таъсир қилди. Ўз соҳаси бўйича берилаётган янгилик ёки тақлифларга лоқайдлик билан қараган инсон, демак, ўз касбини севмайди, номигагина ишлаб юривари. Тўғри, уларнинг ақсарияти оилали, кимдир кечаси билан иситмалаб чиққан фарзандини ўйлаётган бўлса, яна бировнинг ҳаёли рўзгор ташвишлари билан банддир. Лекин кутубхоначилик — оддий касб эмас! Бу соҳа аслида жамият эртаси, фарзандлар тарбиясида ўзига ҳос ўринга эга. Болада китобга меҳр, аввало, оилада, кейин эса мактабда шаклланади. Китобни қадрдон дўсти билиб улгайган бола ҳаётда ўз ўрнини эгаллашга, ўз халқи учун керакли шахс бўлишга интилади.

Шу тўғрида мулоҳаза юритиб, Тўрткўл туман ахборот-ресурс марказига йўл олдим. Урта ёшли, истарали аёл қарши олар экан, кутубхона ходими қандай хусусиятларга эга бўлиши кераклиги, бугун улар ишига қай даражада масъулият билан қараётганликлари тўғрисида мақола ёзмақчи эканлигиндан хурсанд бўлди.

вий компьютерлар билан жиҳозланиб, китобхоналар учун қулай имкониятлар яратилмоқда. Қузатувлар шуни кўрсатадики, боланинг китобга меҳр қўйишида кутубхоначининг муомала ва муносабати, мутолаага қизиқтира олиши муҳим экан.

**Авалло, эринмаслик керак!** Биз ўқиймиз, ишлаймиз, ақлий ёки жисмоний меҳнат қиламиз. Қундалик меҳнатдан чарчаб, нолиб ҳам қўямиз. Ҳолбуки, миямиздаги имкониятларнинг фақатгина 2-3 фоизидан фойдаланар эканмиз, холос. Биз кўп нарсаларга эришишимиз мумкин. Фақат ва фақат

# КУТУБХОНАЧИ

**ҳам хизмат кўрсатади, ҳам тарбиялайди**



— Ҳозир ўқувчилар интернет, уяли алоқа воситаси, ҳар хил компьютер ўйинларига қизиқиб, базиллари мукасидан кетаётгани ҳеч кимга сир эмас, — деди Тўрткўл тумани АРМ директори ўринбосари, 27 йилдан бери шу соҳада меҳнат қилаётган Дилором Қодирбоева. — Шунга қарамай, ўзбек ва жаҳон адабиётининг энг нодир намуналарини ўқишга интилаётган ёшларимизнинг ҳам борлиги кўнгилга таскин беради. Ўқувчилар кўпинча устозни қўшимча адабиёт сифатида берган китобларни сўраб мурожаат қилишади. Ҳозирда 4 мингдан ортиқ аъзоимиз бор. Уларнинг асосий қисмини мактаб ўқувчилари ташкил этади. Бизнинг АРМ Президентимиз томонидан 2006 йил 20 июнда эълон қилинган "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига биноан 30-мактаб қошида, 3та болалар кутубхонасини қўшган ҳолда ташкил этилган эди. Умумий фондимида 37 697 китоб бор.

Маълумотларни ёзиб олар эканман, ажабланиб бая берган саволимни яна қайтардим: "100 мингдан ортиқ туман аҳолисининг 60 фоизини ёшлар, деб ҳисобласак, марказий АРМга атиги 4 минг китобхон аъзоси?" Дилором опа худди бу ҳолатга ўзи сабабчидек, бесаранжом ҳолатда "Эй, синглим, бугун одамларнинг кутубхонага киришга вақти йўқ. Ўзи бу йил зўрга 4 мингга олиб чиқдик", деди.

Бу биргина Тўрткўл туманидаги кўрсаткич. Бошқа туман ва шаҳарлардаги АРМлар ҳам бундан мустасно эмас. Айтиш кераки, АРМлар фаолияти йилдан-йилга яхшиланиб, замона-

эринмасак, бас. Лекин гоҳида ана шу иллат сабаб эрта турмаймиз, берилган вазифани вақтида бажармаймиз, кашфиётлар эса бизга бегона. Хар қандай касбда, хоҳ у тарбиячи, хоҳ курувчи ўз устиди ишлашдан, изланиш ва бунёдкорлик ишларидан толмаслиги лозим. Кичик бир юмушга ҳам масъулиятли вазифа сифатида қарашимиз даркор.

Бир дугонам китоб ҳақида гап кетса, ўзи таълим олаётган университетдаги кутубхоначилардан ҳафсаласи пир бўлиб гапирарди. Унинг айтишича, кутубхоначи аёллар кайфиятга ва одамга қараб муомала қиларкан. Агар кайфияти бўлмаса ёки бирор мавзуда қизгин сўхбатлашаётган бўлсалар, бор китобни ҳам йўқ, деб талабаларни қайтариб юборар экан. Балки, сўралган китобни қидириш учун ўрнидан туришча эринар. Дугонанинг айтишича, улар билан бирон масалада келишмай қолдингизми, тамом: то йилнинг охиригача китоб сўраш у ёқда турсин, у ерга киролмайсиз ҳам. Яна бирон қўлланма сўраганларга худди дўз китоб фондидан бераётгандек дўқ қилишлар ҳам бўлиб туради экан. Қизик, дейман, бу гапларни тинглаб туриб: "Наҳотки, ширин муомала, нимтабассум ва очик чехра билан хизмат кўрсатиш инсонга шуначчилик машаққатли?" Нима ҳам дердик... Лекин бир нарса аниқки, улар маънавият, маърифат тарғиботчиси ва тарқатувчилардир. **Бу борда эриниш ёки китобхонани ўқишдан совутиш жамият келажаги пойдеворидан бир гиштни олиб ташлаш билан баробардир.**

## Mulohaza

Мақола ёзиш жараёнида бир неча кутубхоналарни қузатдик, айримларини солиштирдик. Қизиғи шундаки, чекка-чекка туман ва қишлоқлардаги кутубхоналарда хизмат кўрсатиш сифати яхши, аммо қидирган китобингизни топиш амри маҳол. Айрим марказий кутубхоналарда эса, китоб бор, лекин ҳафсала тополмайси!

**Кутубхоначи — Она!** Она, аёл, опасингиларни меҳр тимсоли, ширинсухан бир хилқат сифатида ардоқлаймиз, севамиз, ҳурмат қиламиз. Эътибор берсангиз, кутубхоначиларнинг ақсарияти аёл кишилар. Демак, улар ҳам онадек яқин, меҳрибон ва самимий бўлишлари керак. Бир кун китоб ўқиётиб, уни қатлаганимда онамнинг уришгани ҳеч эсимдан чиқмайди. "Китобни хор қилма, болам! У сендан кейингиларга ҳам хизмат қилиши керак. У бизга шун-

ча билим беради. Уни авайлаб тут!", дерди доим.

Кутубхоначиларнинг айримларида ўз касбига бўлган меҳр етишамаётгандек туюлади. Менингча, улар икки ҳисса масъул, икки ҳисса дахлдордирлар. Она сифатида келажак авлодни тарбиялашга масъул, кутубхоначи сифатида эса, уларнинг зиёли, билимли ва кенг дунёқарашли бўлишида, китобга меҳр қўйиб, вояга етишларида асосий воситачилардан бири.

**Ўқитувчининг сай-ҳаракати** ҳам муҳим аҳамиятга эга. У ўқувчига маънавий озуқа берадиган, фикрлашга ўргатадиган китобларни таништирса, ўқишга қизиқтирса, ўқувчини кутубхонага киришга мажбурлашнинг ҳожати қолмайди. Тан олиш кераки, айрим адабиёт ўқитувчилари мактаб АРМ фондида қандай бадий китоб бор-йўқлигини аниқ айтиб беролмайдилар. Айрим ўқитувчиларки шундай бўлса, ўқувчилардан ниманиям кутиш мумкин?

Яна шундай кутубхоначилар борки, таътил пайти ҳам ўқувчиларни китоб-хонлиқка чорлашдан бичармайдилар. Улар китоб ҳақида бир-икки қизиқ маълумот ёки воқеа айтишса, бас, болалар ўша асарни қандай олиб кетгани, қачон ўқиб тугатганини билмай қоладилар.

— Мактабимиздаги кутубхоначи аёлни илиқ хотиралар билан эслайман: ҳар доим юзиди табассум, биз билан эринмасдан сўхбатлашарди, — дейди Низомий номидидаги Тошкент давлат педагогика университети талабаси Сарвиноз Аминова. — Ўқиган китобларимиз ҳақида фикр алмашишни эса, қанда қилмасдик. Мустақил ўқиш учун берилган бадий адабиётлар мактаб фондида йўқ бўлса, шаҳардаги марказий кутубхоналар билан боғланиб, шу китобни топиб беришга интиларди. Улардан миннатдорман. Негаки, ўқувчилик даврида фаол китобхон бўлганлигим ҳозир университетда жуда кўл келаяпти.

Бугун биз кутубхоначи маънавияти, ўз касбига бўлган муносабати тўғрисида фикр-мулоҳаза билдиришга интилдик. Албатта, бола китобга қизиқмаса, айбни фақат кутубхона ходимидан излаш ўринсиз. Бунда ота-она — ўқитувчи — кутубхоначи ҳамкорлиги кутулган самарани беради.

**Кутубхона — хар бир ўқув дargohининг энг файзли ва энг кадрли масканидир.** Унга хар биримиз бутун жамият ва халққа маърифат зиёсини сочадиган муқаддас даргоҳ, фарзандларимизни камолотга элтгучи бир кўприк, маёқ сифатида қарашимиз керак!

Соҳиба МУЛЛАЕВА,  
"Ma'rifat" мухбири

## ИМКОНИЯТЛАР ЮКСАКЛИККА ЧОРЛАЙДИ

Бугунги кунда ахборот технологияларидан жамиятнинг барча соҳаларига кенг фойдаланилмоқда. Шу боис мазкур ихтисосликни мукамал биладиган кичик кадрларга эҳтиёж катта. Қарши ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежиде айнан шу йўналишда кичик мутахассислар тайёрланади. Бу ерда ахборот ва коммуникация технологиялари тизимини ишлаштириш техникаси, компьютер ва компьютер тизимларини сошлаш ва таъмирлаш техникаси, коммуникация тизимларига хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш техникаси, почта алоқаси хизматларини ташкил этиш бўйича мутахассис, радиоэшитириш, радиоалоқа ва телевидение воситаларини ишлашти-

## Jarayon

таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш техникаси каби йўналишлар бўйича 1200 нафардан зиёд ўғил-қиз илм ва ҳунар ўрганишмоқда.

— Ўтган йили таълим муассасамизни 289 нафар ўқувчи битирди, — дейди коллеж директори Равшан Абдурахмонов. — Ёш мутахассисларнинг 31 нафари олий ўқув юртига қабул қилинган бўлса, қолгани ўз соҳалари бўйича ишга жойлаштирилди.

Эътиборлиси, ўқув даргоҳи жамоаси Қашқадарё вилоят телерадиокомпанияси, "Ўздунробита" Ўзбекистон-Индонезия қўша корхонаси каби ташкилотлар билан шартнома асосида фаолият олиб боришаётир. Бундан ташқари, коллеждаги ёш мутахассислар шаҳар ва қишлоқларда ахборот-коммуникация технологиялари йўналишида ўз бизнесини ташкил этишмоқда.

Ўқувчилар билимини юксалтиришда коллежда ташкил этилган ахборот-ресурс маркази муҳим аҳамият касб этмоқда. У ерда 10160га яқин китоб фонди бўлиб, уларнинг 5242тасини умумтаълим фанлари, 5006тасини умумкасбий фанлар ҳамда 560тасини сиёсий ва бадий адабиётлар ташкил этади. Бундан ташқари, 73та электрон адабиёт, 43та слайд ва бошқа электрон қўриқчилик манбалардан ўқитувчи ва ўқувчилар унумли фойдаланишмоқда. АРМда "Президент асарлари", 2011 йил — "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили", "Электрон адабиётлар", "Миллий гоё" мавзудаги кўргазмалар мавжуд. АРМда ўқувчилар билан турли мавзуларда сўхбатлар, мулоқотлар ва учрашувлар ўтказиб турилади. "Энг яхши китобхон" танловига ёшларнинг қизиқши ортиб бормоқда. Яқинда мазкур танловда голиб чиққан ўқувчилар фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Касб-ҳунар коллежиде мавжуд 5та компьютер синфидаги барча компьютерлар «ZiyoNET» ахборот тармоғига уланган. Ундан ўқувчилар дарс жараёнида унумли фойдаланишмоқда. Таълим муассасаси ўз веб сайтга эга. У орқали коллеж ҳаёти ва бу ердаги янгиликлар, тайёрланаётган мутахассисликлар ҳамда ўқувчилар кўлга киритган ютуқлар билан танишиш мумкин.

Қисқаси, Қарши ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежиде ўғил-қизлар яратилган имкониятлардан унумли фойдаланишиб, муайян муваффақиятларни кўлга киритишяпти.

Ўқтам МЕЙЛИЕВ,  
"Ma'rifat" мухбири

Кундалик ҳаётда биз кўпинча кўлимизга тушган махсулотни тезда тановул қилиб, ошқозонимизни «хурсанд қилиш» пайда бўламиз. Бундай пайтда озиқ-овқат ва егуликларнинг таркиби иккинчи даражали масала бўлиб кўринади. Ёрқин рангли ичимликлар, ширинлик ва сақичлар, гўшт ва сут махсулотлари, қайнаган сув солсангиз, пишиб қоладиган «тезкор» таомлар, айтиш жоизки, дўкон расталарининг «кўрк»ига айланган. Аммо кўзга чиройли кўринган, ширин таъмли бу махсулотларнинг организмга таъсири қандай? Бу ҳақда жиддий ўйлаб кўрадиган вақт келди, назаримизда.

Инсоният қадимдан озиқ-овқат махсулотларини турли кўшимчалар ёрдамида янада мазали ва сифатли тайёрлашга интиланган. Ош тузи, ўсимлик ёғлари, сирка, ачитки ва бошқа озиқ-овқат кўшимчалари таомларнинг хуштаъм ва ёқимли ҳидга эга бўлиши учун хизмат қилган. Утган асрда эса озиқ-овқат саноати янги босқичга кўтарилди: 1907 йилда Токио императорлик университети профессори Кимунаэ Икэда томонидан кимёвий усудда олинган оқ кристалсимон кукун, бошқача айтганда, Глутамат натрий (E621) тил рецепторлари таъсирчанлигини ошириб, таъм сезгиларини кучайтириш хусу-

солинади. Айниқса, Алиментариус кодекси озукавий кўшимчалар токсикологиясини тартибга солишда муҳим аҳамият касб этади. Фарб мамлакатларида озукавий кўшимчаларни таснифлаш тизими 1953 йилдан буён амалда ва ҳар бир кўшимча «Е» ҳарфи билан («Европа» сўзининг бош ҳарфидан олинган) бошланувчи махсус рақамга эга бўлиб, уларни рақамлаш мезонлари халқаро Алиментариус кодекси асосида ишлаб чиқилган ва қабул қилинган.

E100 — E199 рақамлари билан ифодаланувчи озукавий кўшимчалар ранг берувчи моддалар ҳисобланади, озиқ-ов-

махсулот гуруҳи учун махсус консервант турлари ишлаб чиқарилмоқда. Бу кўшимчалардан нафақат озиқ-овқат саноатида, балки фармацевтика, косметика, парфюмерия ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳаларида ҳам самарали фойдаланилади.

Аммо шуни эътиборда тутиш керакики, махсулотларга консервант кўшимчаларнинг белгиланган муддатгача сақланмаслигига сабаб бўлса, ушбу моддалар ҳаддан ортиқ кўп фойдаланиш ҳам озиқ-овқатлар сифатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Озуқавий махсулотларга кўшиладиган E300—E399 кўшимчалар гуруҳи антиоксидантлар ҳисобланади. Уларнинг асосий вазифаси махсулотларнинг оксидланиши муддатини кечиктиришдан иборат. С витамини (E300—E305 — аскорбатлар), E витамини (E306—E309 — токоферол) ва бошқалар шундай моддалар жумласига кирди.

Навбатдаги кўшимчалар гуруҳи махсулотларни сақлаш ҳамда истеъмол қилишда уларнинг таркибини физик ва кимёвий ўзгаришлардан асраш учун ишлатиладиган ста-



Bilasizmi?

ҳосил қилувчилар — E990—E999, шакар ўрнини босувчилар — E950—E969 ва бошқа озиқ кўшимчаларни учратиш мумкин.

Vokrugsveta.ru манбасида келтирилишича, инсон бир йилда ўртача уч килограмм озиқ кўшимчаларни истеъмол қилар экан. Дунё аҳолиси сонининг ҳар йили 10 фоиздан ортиб бораётганини ҳисобга олганда, келажақда уларга бўлган талабнинг ортишини

кўрсатиши аниқланган моддалар ҳам учраб турибди. Шу боис, асарият мамлакатларида қатор озукавий кўшимчалар, жумладан E121 (2-цитрус қизил ранги), E123 (қизил амарант), E128 (қизил бўёқ), E216 (консервант), E217 (консервант) ва E240 (консервант) каби моддалардан фойдаланиш кескин тақиқланган. Аммо, 2005 йилдан буён ишлатилиши тақиқланган E216 ва E217 консервантларини турли ширинлик-

## ОЗИҚ-ОВҚАТ ҚЎШИМЧАЛАРИ: ЗАРАРИ КЎПМИ ЁКИ ФЙДАСИ?



сиятига эга эди. 1909 йилдан бошлаб мазкур озукавий кўшимчани дунё миқёсида ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Сўнгги маълумотларга қараганда, сайёраимизда ҳар йили озиқ-овқат билан бирга 200 минг тоннага яқин глутамат натрий истеъмол қилинади.

Шу тарихда, озиқ-овқат саноатида табиий кўшимчалар билан биргаликда кимёвий кўшимчалар — консервантлар, ароматизаторлар, антиоксидантлар, эмульгаторлар ўзига хос ўрин туза бошлади. XX аср тарихда беҳиз озиқ-овқат кимёгарлиги асри дея ном қолдирмаган эди. Википедия электрон энциклопедиясига кўра, озукавий кўшимчалардан махсулотларни ишлаб чиқариш, қадоклаш, ташиш ва етказиш сингари жараёнларда уларга алоҳида хид (ароматизаторлар), ранг (бўёқлар) ва таъм бериш, шу билан бирга, истеъмол муддатини узайтириш (консервантлар) ҳамда муайян шaroитларда сақлаш мақсадида фойдаланилади.

Озуқавий кўшимчалар Халқаро қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ЖСФА)нинг махсус экспертлар кенгаши ва бошқа халқаро ташкилотлар томонидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар, шунингдек, Алиментариус кодекси (Codex Alimentarius) асосида тартибга

қат моддаларининг ёрқин ранги, асосан шу моддаларнинг хизматидир. Масалан, E100—E109 кўшимчаларига эга махсулотлар сариқ рангда бўлади, E120—E129 озукавий кўшимчалар эса махсулотларнинг қизил тусга киришини таъминлайди. Шунингдек, E140—E149 — яшил, E150—E159 — малла (жигарранг) ва қора ранглар учун жавобгар саналади. Мисол учун, E152 активлаштирилган кўмирнинг шартли рақами ҳисобланади.

Махсулотлар сақланиш муддатини узайтириш мақсадида уларга турли консервантлар қўшилади. Бу моддалар истеъмол махсулотлари ёрлигида E200—E299 рақамлар орқали ифодланади. Консервантларнинг асосий вазифаси махсулотдаги микроорганизмлар меъёрини сақлашдан иборат. Улар озиқ-овқат махсулотларнинг вирус, бактерия, замбуруғ ва бошқа захарли моддалар билан зарарланишига тўсқинлик қилади. Агар махсулот таркибида сорбитлар (E200—E209), сульфитлар (E220—E229), бензоат (E210—E219), нитрат (E240—E249), ацетат (E260—E269), лактат (E270—E279) ва шу каби бошқа моддаларни учратсангиз, билингки, улар консервантлардир. Ҳозир уларнинг хусусиятларини янада кўпайтириш мақсадида ҳар бир

биллизатор — ростлагичлар ва эмульгаторлар бўлиб, махсулотлар ёрлигида улар E400—E499 рақамлари билан белгиланади. Эмульгаторлар озиқ-овқат таркибидаги бир-бирига аралашмайдиган суюқлик ва моддаларни қориштириш учун хизмат қилади. Ушбу моддалар махсулот эгилувчанлигини таъминлайди.

Озиқ-овқатлар таркибидаги вodorod ионлари меъёрини сақлашда шартли равишда E500—E599 тарзида ифодаланувчи озукавий кўшимчалар муҳим ўринга эга. Шоколад, музқаймоқ, кекс ва бошқа ширинликлар айнан уларнинг «хизмати» билан истеъмолчилар кўлига бежирим шаклда етиб боради. Махсулотдаги вodorod кўрсаткичи рН шартли белгиси орқали ифодланади, эритмалардаги вodorod ионлари фaоллигини кўрсатди туради. Яъни, бу турдаги озукавий кўшимчалар махсулотда нейтрал реакция кечилишини таъминлаб, ундаги кислотали ва ишқорли муҳитни бир маромда ушлаб туриш вазифасини бажаради. Масалан, E500—E509 рақамлари остида жонсиз кислоталар бўлиб, E500 — истеъмол содасининг шартли белгисидир. E510—E519 — хлорид ва сульфатлар, E520—E529 — сульфатлар ва гидроксидлар, шунингдек, ишқорли металл бирикмалари (E530—E549), силикатлар (E550—E559), глюкозат ва стеаратлар (E570—E579) ҳам айни шу вазифани бажаради.


Махсулот ёрлигида биз тез-тез дуч келадиган навбатдаги E600 ва E699 озиқ кўшимчалари таъм ва хидни кучайтириш учун қўланилади. Озиқ-овқатлар таркибида, жумладан, антибиотиклар — E700—E799, мум — E900—E909, глизирол вазеллар — E9100—E919 (махсулотнинг усти қисмида ҳимояловчи қатлам ҳосил қилиш ёки унга ёрқин ранг беришда фойдаланилади), қадокловчи газлар — E940—E949, кўпик

айтиш мумкин. Етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги махсулотлари эса барча инсонлар эътиёжини тўла қондириш учун етарли эмас. Шу билан бирга, озукавий кўшимчаларни табиий равишда ишлаб чиқариш катта харажатларни талаб этаётгани боис, соҳани ривожлантиришдан даромад кўраётган компания ва ташкилотлар озиқ кўшимчаларнинг янги, тақомиллашган турларини ишлаб чиқариш устида бош қотиришмоқда.

Океанортидаги «Интрали-тикс» (Intralytik) биотехнология маркази мутахассислари озиқ кўшимчалар сифатида ҳатто вируслардан фойдаланишни ҳам тақлиф қилишмоқда. Биологлар 6 хил вирусдан фойдаланган ҳолда, инсон учун мутлақо хавфсиз аралашмани ҳосил қилишга эришишди. Эътиборлиси, АҚШ озиқ-овқат махсулотлари ва дори-дармонларни назорат қилиш бошқармаси бир қатор гўшти махсулотларни тайёрлашда уларни ишлашга рухсат берган.

Бир қатор ривожланган давлатларда озукавий кўшимчалар ёрдамида у ёки бу модданинг танқислиги сабаб келиб чиқадиган айрим касалликларга барҳам берилаётгани ҳақида маълумотлар бор. Масалан, B2 витамини етишмаслигидан келтирилган глоссит, дерматит, конъюнктивит ва кератит сингари касалликлар рибофлавин (E101 ранг берувчиси) ёрдамида, цинг (организмда С витамини етишмаслигидан келиб чиқадиган милк касаллиги) эса аскорбин кислотаси (E300 антиоксиданти) ёрдамида даволанган экан. Шунингдек, жaхон амалётида токоферол (E306 антиоксиданти) озук кўшимчаси ёрдамида камқонлик хасталигига қарши кураш олиб борилмоқда, деб ўзиди «Лайфньюс» ("Lifenews") нашир.

Бирок, фойдали кўшимчалар билан бирга инсон саломатлигига жиддий таъсир



лар, гўшт махсулотлари ва ярим тайёр таомларга қўшиш «анъанаси» давом этган ва тадқиқотлар натижасида ушбу кўшимчалар организмда хавфли ўсимталарни пайдо қилиши исботланган. Шунингдек, бошқа озиқ кўшимчаларини меъёрдан ортиқ даражада истеъмол қилиш оқибатида асаб, ошқозон-ичак, нафас олиш тизими ва онкология билан боғлиқ бошқа касалликларга чалиниши эҳтимоли юқори.

Биз юқорида тилга олган натрий глутамат ана шундай зарарли, бироқ мазали таъмга эга кўшимчалардан бири. Халқаро Соғлиқни сақлаш ташкилотининг қайд этишича, ушбу модданинг бир кунлик микро-р 3 граммдан ортса, у бош мия фаолиятига салбий таъсир кўрсатади, бронхиял астма хасталигини кучайтириб, кўз ҳужайраларини зарарлайди, глаукомани келтириб чиқаради. Бу кундалик ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланган кўшимчалар ҳақидаги бизга маълум фактлар, ҳолос. Шундай экан, уларнинг фойда ва зарари ҳақида билиб қўйиш, истеъмол қилаётган махсулотнинг ёрлигида зарарли кўшимчаларнинг маъжуд эмаслигига ишонч ҳосил қилиш ва энг муҳими, меъёр чегараларидан ташқарига чиқмаслик фойдадан холи эмас.

Санжар РУСТАМОВ  
тайёрлади.

## МАРЖОН ҚОЯЛАРГА ҲАЁТ БАҒИШЛАДИ

Балиқчиликнинг ўта авж олиб кетиши ва сув ҳарорати ошиши сабабли Бали ороли атрофидаги коралл қояларни нобуд этиб келётган бир пайтда немис тадқиқотчиси Рани Морроу-Вейгк томонидан уларни сақлаб қолишни ўзига хос усули тақлиф этилди. Франс-Пресс ахборот агентлигининг маълум қилишича, мазкур йўналишдаги лойиҳа Жануби-Шарқий Осиё, Қариб ҳавзаси, Ҳинд ва Тинч океанларида амалга татбиқ этилмоқда.



Тадқиқотчи Рани Морроу-Вейгк ўтган асрнинг 70-йилларида немис олими ва архитектори Вольф Хильберц иштиросини асос қилиб олган ҳолда коралларни химоя қилишга қаратилган янги технологияни ишлаб чиққан. Архитектор ўша даврда металл конструкцияларни сувга




тушириб, уларга кичик қувватли электр симларни улаган ва шу тариқа ўзига хос «қурилиш» хомашесини яратишга ҳаракат қилган. Чунки кучсиз ток таъсирида электродлиз ҳодисаси рўй бериб, оҳақтошнинг «ўсишига» кўмаклашиши аниқланган эди. Кораллар эса бундан ҳам 2-6 баробар тезроқ «ўсар» экан. Лойиҳа иштирокчиларидан бири, ямайкалик биогеохимик Томас Горнинг фикрича, бу усул билан бир неча йиллар ичида янгидан-янги маржон қояларини шакллантириш мумкин. Таъкидлаш жоизки, айнан у Вольф Хильберц билан мазкур «Байорок» («BioRock») технологиясига асос солган экан. Сайё-ҳаракатлар натижаси ўлароқ бугун Балидаги Пемутеран кўрфазига 22та металл конструкциялар ўрнатилган бўлиб, улар салкам 2 гектар ҳудудни эгаллаган. Таъкидланишича, конструкциялар коралларни қайта тиклаш билан бирга уларни рангизланиш ва глобал исишга ҳам чидамлик қилар экан.

## ҚУЁШ ҚУВВАТИ БИЛАН САЁҲАТГА!

2010 йилнинг 27 сентябрида муқобил турдаги қувватни ишлаб чиқариш тарафдорлари ўзига хос тажрибага қўл уришганди: фақат қуёш батареяларидан қувват оладиган кема Монакодан Гибралтарга қараб дунё бўйлаб саёҳатга йўл олганди. Бугун эса мазкур ишни бошлаган тадқиқотчилар ўз мақсадига эришиш арафасида, дейилади «Солар Планет» («SolarPlanet») манбасида.

«Туранор» номини олган кема «Планет Солар» компаниясига қарашли бўлиб, бугунга қадар қуёш қуввати билан ҳаракатланадиган энг йirik шу турдаги транспорт воситаси ҳисобланади — унинг узунлиги 30,5, кенлиги эса 15 метрга тенг. Батареяларнинг экватордаги қуввати 93 киловатт бўлиб, кеманинг максимал ҳаракатланиш тезлиги соатига 26 километрга тенг. Германияда ишлаб чиқарилган ва баҳоси 12,5 миллион долларга тенг мазкур кема, табиийки, тунда ҳаракатлана олмайди. Гарчи кема тезлиги анча паст (ўртача соатига 3 километр) бўлса-да, унга қўпчилик қизиқиш билан қараётгани сир эмас. Чунки у қаерда тўхтамасин қўлаб одамларни йигмоқда. Шу кунларда Абу-Дабини тарк этган кеманинг саёҳати тахминан май ойида якунланиши кутилмоқда.



## ТАКРОРИЙ ҚУРҒОҚЧИЛИК БЎЛАДИ(МИ?)

«Нью Сайентист» («NewScientist») манбасида айтилишича, Шарқий Африкадаги ёгингарчилик даражаси кучли қурғоқчилик яна қузатилиши мумкинлиги ва ҳудудга ёрдам беришининг усулларини қайта кўриб чиқиш зарурлигини намойён этди.

Маълумки, иқтисодий аҳоли у даражада яхши бўлмаган Африкада 2010-2011 йилларда сўнгги 60 йилдаги энг кучли қурғоқчилик қузатилган. «Оксфа» («Oxfam») ташкилоти ҳисоботида айтилишича, 2010 йилнинг октябрь-декабрь ойларида ёгингарчилик мавсуми деярли қузатилмаган. Бунинг сабаби эса Ла-Нинья ҳодисаси — Тинч океанининг шарқий қисмидаги устки сувларнинг совиб кетишида экан. Март-май ойларидаги иккинчи ёмғирлар мавсумининг қузатилмагани сабаби эса ҳамон номаълум. АҚШдаги Колум-

## СУВ ЎТЛАРИНИНГ НООДАТИЙ ХИМОЯСИ

Германиядаги Фридрих Шиллер номидаги ноорганик ва аналитик кимё институти ҳамда Бельгиядаги Гента университети олимлари Nitzschia cf pellucida туридаги микроскопик сув ўтлари ҳар тонг қуёш нурлари чараклаган пайтда ўзидан захарли модда чиқариб, ўз ҳудудини «белгилаб» олиш хусусиятига эга эканини аниқлашди. Мавзуга оид мақола «ФизОрг» манбасида берилди.

Атиги бир неча микрометрга тенг мазкур ўсимликлар бромли цианоген номли кучли захарли модда тарқатиб, эн атрофидаги «ракчила»-ни йўқ қилиши мумкин экан. Шу тариқа бу ўтлар ўзи учун мақбул шароитни яратиб, ҳудудни ҳам назорат остига олиши мумкин. Айни вақтда олимлар нима сабабдан мазкур захарли модда ўсимликнинг ўзига таъсир кўрсатмаслигини ўрганишмоқда. Боиси, бошқа сув ўтлари захар туфайли 2 соатда нобуд бўладиган бир пайтда Nitzschia cf pellucida заррача ҳам зарар кўрмайди. Шу боис унинг чидамлиги сабаби олимларнинг навбатдаги изланиши учун асосий мавзуга айланди.



## КОМПАНИЯ РАКЕТАСИ ПАРВОЗГА ШАЙ

НАСА хабарларига кўра, «Спейс Экс» («SpaceX») хусусий компанияси «Дрэгон» номли космик кемани жорий йилнинг 7 февралда Халқаро космик станцияга чиқаришини маълум қилди.

Айни кунда компания НАСАнинг иккита лойиҳасида ҳамкор ҳисобланиб, айни пайтда ўзининг космодромига эга бўлиш ва Халқаро космик станциясига ракетасини чиқариш ниятида. Айнан янги «Дрэгон» самовий аппаратини космосга чиқариш эса ҳамкорликнинг яна бир натижаси бўлиши кутилмоқда. Аслида ўтган йилнинг ноябрь ойида амалга оширилиши зарур бўлган парвоз техник сабабларга кўра қолдирилган. Яқин кунларда космосга йўл оладиган «Дрэгон» учувчисиз орбитага чиқарилади. Халқаро космик станцияга бир неча километр қолганда у сезувчан асбоблари ва навигация тизимларини текширади. Сўнгра океанортидан космосга чиқарилган «Гармония» модулига бирикди. Модулдан ажралган эса Калифорния яқинидаги Тинч океани соҳилига тушиши кутилмоқда.



## «ЭППЛ» ЕТАКЧИ БЎЛДИ

«Кэнелиз» («Canalys») компанияси 2011 йилнинг тўртинчи чораги бўйича ҳисоб-китобларни якунлаб, бу мuddат ичида «Эппл» («Apple») компанияси мижозлар бозорига компьютерларни етказиб беришда етакчилик қилганини маълум қилди, дейилади «Компьюлента» манбасида.



Статистик ҳисоботда десктоп, ноутбук ва нетбуқлар эмас, балки планшетларнинг ҳам сотуви эътиборга олинади. Дунё мижёсида йилнинг охириги уч ойлигида 120,2 миллион донна хар турдаги компьютерлари сотилган. Бу эса ўтган йилдаги кўрсаткичдан 16 фоизга юқори экан. Ай-пэдлар сотувида рекордга эришяётган «Эппл» компанияси мижозлар борасида ҳам рекордга эришди. Ўтган йилнинг октябрь-декабрь ойларида компаниянинг 20,6 миллионта планшет, ноутбук ва десктоплари сотилиб, у дунё бозорига 17,1 фоиз улшуга эга бўлди. Иккинчи ўринда «Ҳюлетт-Паккард» («Hewlett-Packard») бўлиб, унинг кўрсаткичи 12,7 фоиз (15,3 миллионга) тенг. Учинчи ўринни 13,5 миллионта компьютер (11,2 фоиз) билан «Леново» компанияси эгаллади.

Наргиза РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.



Россия космик агентлиги томонидан орбитага чиқарилган «Фобос-Грунт» самовий аппаратининг ҳалокати сабабини ўрганиш комиссияси ҳулосасига кўра, нохуш ҳодиса космик нурлар таъсири туфайли қузатилган, чунки айнан улар борт компьютери фаолиятида бузилишларга туртки бўлган.

АҚШнинг Иллинойс штатида жойлашган «Байрон» атом электр станциясидаги реакторлардан бири электр таъминотисиз қолгани боис дизелли совуткичлар ишга туширилиб, айни пайтда нохуш ҳодиса сабаблари ўрганилмоқда, жабрланганлар ва қўрилган зарар ҳақида эса маълумотлар берилмаган.

Германия экология институти ходимлари электр қувватида ҳаракатланадиган уловлар экологик жиҳатдан қанчалик софлигини текшириб, яқунда бу борадаги бугунги сайё-ҳаракатлар атмосферага захарли моддалар чиқаришини кескин камайтирмаслигини аниқлаб, ҳукуматнинг 2020 йили миллионга электрмобилни ишга тушириш режасини танқид қилди.

Венесуэла ҳукумати Америка ва Европа банкларидан сақланаётган олтин захираларини мамлакатга қайтариш сайё-ҳаракатларини якунлаб, ўтган йили ноябрда бошланган мазкур операция натижасида қиймати 9 миллиард долларга тенг жами 176 тонна қимматбаҳо металл олиб келинганини маълум қилди.

Франс-Пресс ахборот агентлиги Шарқий Европа, хусусан, Польша, Руминия, Болгария, Сербия ва Францияда қалин қор ҳақида паст ҳарорат қузатилаётгани боис февралда ҳолат эълон қилиниб, оқибатларни бартараф этишга қўрқарувчилар жалб этилгани, ўнлаб инсонлар совуқдан жабр кўргани ва бир қанчаси ҳалок бўлгани ҳақида хабар берди.

Океанортидаги Флорида штатининг катта йўлларида бирида қалин туман ва ўрмон ёнғини тутунини туфайли ўн иккита енгил ҳамда олтита юк ташиувчи машиналарнинг йirik тўқнашуви содир бўлиши оқибатида 18 нафар инсон турли даражада жароҳат олган, 10 нафар одам эса ҳалок бўлган.

Тошкент радиотехника касбхона коллежи томонидан 2005 йилда Насирходжаев Махмуд Максудходжаевич номига берилган К 278503 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

**Barkamol avlod — mamlakat kelajagi**

Ёшликни умр бахорига қийслайдилар. Зотан, кўкламининг гўзаллиги, завку шаьки, кўрамлиги ҳаёт манзилларимизнинг энг бетакор даври бўлмиш ёшлик билан ҳамоҳанг. Бироқ ана шу беназир даврни чопагон вақт сонияларига бой берган ёки ҳар лаҳзасидан порлок келажакнинг нурафшон сарҳадлари учун фойдаланиб, муваффақиятларга эришган инсонлар бор. Митти гўдакликда олис ва оппоқ булутларга узоқ термулиб, уларни тутмоқ, уларга яқин бормоқ ниятида фазогир бўлишни орзу қилган болақайнинг ўсмир ёшга тўлиб, энгил-елли нагмалар макони бўлган тунги клублар

“Фуқароси”га айланиб қолишига, бегубор орзуларини унутиб қўйишига кимни айбдор санаш мумкин?...  
Инсоннинг бошқа даврларга нисбатан ёшлик даврида ўйин-кулгуга, мусика ва рақсга ҳамда турли кўнгилчор намойишларга бўлган эҳтиёжи кўпроқ бўлар экан. Ана шу талабларни кондирш мақсадида ҳар бир ёш йигит-қиз ўзи учун машғулот ва жой, макон излайди. 10 мингдан зиёд ёшларни ўз бағрига жойлаган “Ёшлик” талабалар шаҳарчасида ёшларнинг бў эҳтиёжини кондирш мақсадида қандай ишлар амалга оширилаётгани билан танишидик.

— Шаҳарчада республикамизнинг турли ҳудудларидан келган ёшлар истиқомат қилади, — дейди шаҳарча ҳокими вазиғасини бажарувчи Самиужон Ҳикматов. — Талабалар ўз ота-онасидан йироқда, шу сабаб уларни назорат қилиб туришига масъулмиз. Талабалик ёшлар ҳаётида муҳим аҳияматга эга бўлиб, бу даврда уларнинг дунёқараши ва характерида турли ўзгаришлар рўй беради. Демак, улар билан бирга бўлиш, бирга ишлаш ва келажакда соғлом ва мустаҳкам ҳаёт йўлини танлаб олишига ёрдам бериш бизга катта масъулият юклайди. Шу боис, шаҳарчамиз маъмурияти режали дастур асосида ишлайди.

Бизда мунтазам ўтказиладиган энг катта тадбирлардан бири “Жума оқшоми” кўнгилчор дастури бўлиб, бу номда ўзига хос рамзий маъно бор. Қадимда ота-боболаримиз жума кунин катта сайиллар ўтказишиб, турли хил фольклор ўйинлари, кураш мусобақалари, кўчқор ва хўроз уриштириш бўйича куч синатишган. Ана шу анъанани тиклаш мақсадида “Ёшлик” талабалар шаҳарчаси ҳокимияти 2006 йил 16 июлдан бошлаб, “Жума оқшоми” тадбирини ўтказиб

# ФАЙЗЛИ ЖУМА ОҚШОМЛАРИ

келмоқда. Талабаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларнинг истеъдодларини рўёбга чиқаришимиз керак. “Жума оқшоми”ни янада қизиқарли ва фойдали ўтказиш ниятида, спорт мусобақалари, гуллар сайли, миллий ўйинлар ва “Кувноклар ва зук-колар” мусобақалари ҳам ташкил этилади. Таниқли эстрада хонандалари ташрифи оқшом тадбирларига файз бағишлайди.

Ҳафта давомида ёшларнинг ҳуқуқий онг ва маданиятини шакллантириш, спортга бўлган қизиқишларини ошириш учун машҳур спортчилар прокуратура ходимлари билан соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси билан вакиллари учрашувлар ташкил этилмоқда.

Шаҳарчада ҳафтадан пайшанба кунин оммавий «Тозалик кунин», шанба кунин эса «Спорт кунин» деб эълон қилинганлиги ёшларнинг бўш вақтлари-

ни мақсадли ўтказишига катта ёрдам бермоқда. Ўтказиладиган маърифий тадбирлар хусусида шаҳарча ҳокимияти мабутоб котиби ўткир Маҳжамов шундай дейди:

— Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда алоҳида жадал асосида талаба-ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, истеъдодли ва иқтидорли ёшларни излаб топиш ҳамда уларни кўллаб-қувватлаш, қобилиятларини янада ривожлантириш мақсадида давра сўхбатлари ўтказиб туришимиз. Ўқув йили давомида “Ўзбектеатр” ижодий бирлашмаси билан ҳамкорликда Тошкент шаҳридаги театр жамоалари иштирокида ижодий учрашувлар ҳам бўлиб ўтди. Қолавверса, Ўзбекистон Хотинчизлар ўзбекистон, шаҳарча ҳокимлиги, “Камолот” ЁИХ етакчилар кенгаши ва таълим муассасалари раҳбарияти билан ҳамкорликда ҳар жума кунин талаба-қизлар учун “Дугоналар, бормисиз, омонми-

сиз?” мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказиб келинмоқда.

Шаҳарча ҳокимлиги “Камолот” ЁИХ, туман прокуратураси, туман ИИБ, наркология диспансери ходимлари, вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси, маҳалла фаоллари иштирокида кўплаб учрашувлар ва тадбирлар, сайёр йиғилишлар, давра сўхбатлари ва


роқ илм олишга, ўз соҳамизни пухта эгаллашга, фаол бўлишга ундайди.

Шаҳарчада ўз-ўзини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш, шу билан бирга ёшларда Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини юксалтириш, турт учун фидойи инсон бўлиб етишиш, мардлик ва жасурлик гоҳларини улар онгига синғдиришда ҳарбий хизматни ўтаб, ҳозир талабалик бахтига мушарраф бўлган йигитларимиздан иборат “Огоҳ” посбонлар гуруҳининг ташкил этилиши айни муддао бўлди. Улар ҳозирги кунда шаҳарчада тинчлик-осойишталикни сақлашда фаоллик кўрсатишмоқда.

— Талаба бўлишимдан аввалроқ “Ёшлик” талабалар шаҳарчаси ҳақида эшитганим, — дейди ЎЗМУ талабаси Нодир Умиров. — Сурхон воҳасининг чекка бир қишлоғида туғилиб, мактабни тамомлагач, пойтахтимизга ўқишга қираман ва мен ҳам, албатта, акаларим, опаларим каби ўша шаҳарчада истиқомат қиламан, деб орзу қилардим. Ҳозир ана шу шаҳарчада яшайман, унинг посбони ҳам бўлиб олганман. “Огоҳ” посбонлик гуруҳи аъзоси бўлишни жуда кўп талабалар истайдилар ва ҳаттоки, забардаст ва жисмонан соғлом кизларимиз ҳам ушбу тақлиф билан олимизга келишганида, Тўмариснинг янги авлодларини кўргандек бўлдик. Посбонлик гуруҳи тартибқондасига биноан бақувват ва чаққон, эпчил ва зукко йигитлар шаҳарчада осойишталигини таъминлаши керак. Шундай мارد ва жасур йигитлар сафида эканимдан мамнунман.

Маърифат ТЕМУРЗОДА

**Сиз меҳр кўрганмисиз, меҳр булгойдан қонганимисиз? Унинг нималигини биласизми?**  
Ҳаётингиз давомида меҳр кўчаларидан ҳеч ўтганмисиз? Ўзингиз ҳам бирова меҳр кўрсатганимисиз? **Келинг, саволларга жавоб тоғунигизча сизга меҳр ҳақида кўрган эшитганларимдан гапириб ўтсам.** “Меҳр” сўзи луғатларда ёзилишича, **қуёш, офтоб** деган маъноларни англатаркан.



«Эшитдингизми, фалончининг болалари отасини “қариялар уйи”га олиб бориб қўйди. Шўрлик қаерда ётганини ҳам билмасмиш. Бечора ота қариганида хор бўлибди. Ўз фарзанди шу ишни қилибди-я, тавба. Наҳотки фарзандларда ота-онага нисбатан меҳр бўлмаса? Улар шунчалар меҳрсизми?...» Эҳтимол, дунёнинг қайсидир

чалар бемехр бўлмаса деган ташвишли мулоҳазалар тез-тез қулоққа чалинади. Яқинда...

## МЕХРНИНГ МАЪНИСИ

Аслида ҳам бу сўз айрилганда, меҳр кўрсатилганда қуёш ҳароратини ҳис қиласиз, офтоб чарақлагандай бўлади. Қалбларда, кўзларда ўз-ўзидан иссиқ тафт аланга олади. Халқ мақолида айтилганидек, “Кўз кўзга тўшса, меҳр уйғонар”. Ҳақиқатан ҳам унинг илдиэлари юракда ниш уриб, қорачиқда вояга, етади. Қалбда илдиз отиб, қорачиқда мева беради. Бу меваларнинг қанчалар тотли эканини меҳр кўрсатган ёки меҳр кўрган инсонгина тушуниши мумкин. Меҳрсиз қалб мевасиз дарахтга ўхшайди. Қаҳрга тўла кўз эса суви қуриб қолган ариқни эслатади. Меҳр мевалари инсонга фақат қувонч ҳадя этади. Дўстлик, қардошлик ришталарини боғлайди. Шу нарсени очик тан олиб айтишимиз керакки, ҳамма юракда ҳам, ҳамма кўзда ҳам меҳр мевалари бўлавермайди. Бирор кўнгилсиз ёки нохуш воқеани эшитиб қолсак, дарҳол “одамларда меҳр қолмапти”, “жуда меҳрсиз бўлиб кетямиз”, “бун-

мамлакатда фарзандлари ота-онасини “Қариялар уйи”га олиб бориб қўйиши «меҳр намунаси» сифатида қардларан, лекин бизда бундай ачинарли ҳолат меҳрсизлик ҳисобланади. Ҳали-ҳануз инсон зоти ўз меҳрибонини, жонини фидо қилиб, жонига ором берадиган одамни тополмаганидан зорланади, нолалар қилади. Бемехрликдан қалби озор чекади...

Аслида, инсон меҳр билан дунёга келиб, меҳр билан яшайди. Улар берибидан меҳрининг соғлиғи, самимийлиги билан ажралиб турадилар. Одам боласи ким бўлишдан қатъи назар, ҳаёти давомида ўзидан меҳр қолдиришга ҳар жиҳатдан ҳақли.

Адабиётшунос олимлардан бири ёзганидек: “Меҳрдан инсон қиёфаси ҳосил бўлади ва шаклланади”.

Дилрабо САЙДУЛЛАЕВА,  
ЎзДЖТУ халқаро журналистика  
факультети талабаси

## ГРИППНИ УЙ ШАРОИТИДА ДАВОЛАШ

Баъзилар грипп, тумов каби хасталикларни оила шароитида даволашни йўлга қўйган. Бу уларнинг вақтдан ютишларига имконият яратади. Шамоллашни даволашда кенг қўлланиладиган воситалар қаторидан саримсоқпиез ва малина мураббоси ҳам ўрин олган. Саримсоқ пиез суви аралашмаси тайёрлангандан сўнг уни бир соат муддатда ичиш лозим. Вақт ўтган сари у ўз кучини йўқоти боради. Пиез шарбати бемор (айниқса, ёш боланинг) бурун шиллиқ қаватини қуйдириб юбориши мумкин. Бунинг учун пиез шарбатини суяқ асалга 1:1 нисбатда қўшиб ва ҳосил бўлган аралашмага ҳудди шу миқдорда сув солиш лозим. Аралашма учун минерал сувдан фойдаланган маъқул. Муложази бажаришдан олдин сув ёрдамида бурунни тозалаш ва ундан кейингина аралашмани томизинг.

Кўпчилик шамоллаш ва гриппни даволашда, айниқса, бемор иситмасини туширишда аспирилни ёки малина чой ичади. Иккаласини барабар истеъмол қилиш мумкинми, таликин қўзғатиб юбориши мумкин. Шундай экан, табиий малина мураббосидан фойдаланиш айни муддао. Терлаш, кўнгил айнаши, қусиш ҳолатларида ҳам малинанинг ёрдамига таяниш мумкин.

Шамоллаш ва гриппда ҳосил бўладиган захарли моддалардан халос бўлишнинг энг мақбул йўли кўпроқ тер чиқаришидир. Нордон тэмли озиқ-овқат маҳсулотлари, мевалар организм «эшик»ларини беркитади, захарли моддаларнинг чиқиб кетиши қамаяди. Шунинг учун қунига атиги битта ёки яримта лимон еб туриш тавсия қилинади. — Шамоллаб қолган бемор кўп суяқ-

лик ичиши ҳисобида организмдан токсинлар чиқиб кетади. Аслида суяқлик (иссиқ чой, компот, турли дамламалар) тез-тез ва оз-оз ичилиши керак. Ўртача ёшдаги беморлар шамоллашда, қунига 1,5-2 литр, ёш бола ва ўсириллар 1-1,5 литр суяқлик ичиши тавсия қилинади.

Касаллик даврида, таомларнинг энгил турлари (ёғ ва оқсиллар) кам бўлганда, таомларнинг табиий турлари (ёғ ва оқсиллар) кам бўлганда, таомларнинг энгил турлари (ёғ ва оқсиллар) кам бўлганда, таомларнинг энгил турлари (ёғ ва оқсиллар) кам бўлганда, таомларнинг энгил турлари (ёғ ва оқсиллар) кам бўлганда...

Витаминларга бой пиез, саримсоқпиез, шолғом, укроп, наъмятак, петрушка, брусника, малина, қлюкча, қора смородина ва цитрус мевалар нафақат гриппда, балки лорингит, фарингит, ўткир бронхитларни даволашда ҳам қўл келади.

Тоҳир ИБРОҲИМОВ,  
тиббёт фанлари  
доктори, профессор

# ВИЛОЯТ БОСҚИЧИ ЯКУНЛАНДИ

Умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасидаги "Умид ниҳоллари-2012" спорт мусобақаларининг республика босқичига тайёргарлик ҳар бир ҳудудда давом этмоқда. Мактабларнинг 5—7-синфларида тахсил олаётган ўқувчилар ўртасида ўтказилган "Умид ниҳоллари-2012" спорт мусобақаларининг вилоят босқичига яқун ясалди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, бундай катта спорт фестивалини ташкил этиш замирида улкан оқилона мақсадлар мужассамлашган. Мактаб ўқувчиларининг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун замон талабларига мос шарт-шароитлар яратиш, жисмоний тарбия машғулотларига доимий жалб қилиш, уларнинг ирода-

си, кучи ва имкониятига бўлган ишончини уйғотиш, мардлик ва ватанпарварлик, она-Юртга садоқат туйғуларини камол топтириш ҳам иқтидорли ёшларни кашф этиб, рағбатлантириш мақсадида бир неча йилдан буён ҳар уч йилда ўтказиб келинаётган "Умид ниҳоллари-2012" спорт мусобақалари Бухоро вилоятида ҳам кат-

та нуфузга эга, албатта.

Бухоронинг Шофиркон туманидаги "Ревгар", Вобкент туманидаги "Вобкент", Ромитан туманидаги "Миришкор" спорт мажмуалари ҳамда 1, 4, 9, 15, 16, 18-болалар ва усмирлар спорт мактаблари, "Нафис" ҳамда "Семур" сузиш ҳавзасида юқори савияда ташкил этилган мусобақаларда спортнинг 12 тури бўйича 1700 нафар ўғил-қиз ўз кучини синаб кўрди.

Яқуний натижаларга кўра, барча мусобақаларда энг юқори — 197 балл жамгарган Бухоро шаҳри ўқувчилари умумжамоа ҳисобида фахрли биринчи ўрин-

ни олди. Кучли учлики Шофиркон ҳамда Жондор тумани ёшларидан иборат жамоалар тўлдирди.

Айни дамда вилоят терма жамоасига сараланган ўқувчилар Фаррух Нарзуллаев, Рима Хохлова, Люда Вохидова, Анвар Жалолов, Абдурасул Рамазов, Илком Камолов сингари бир қатор тажрибали мураббийлар бошчилигида Навоий вилоятида ўтказиладиган "Умид ниҳоллари-2012" спорт мусобақаларининг республика босқичига қизгин тадорик кўришмоқда.

**Сора ТОШЕВА**  
Бухоро вилояти



## ЭНГ УЗУН МАТЧ

Сербиялик мохир теннисчи Новак Жоквич жорий мавсумдаги «Катта дубулга» таснифига кирувчи илк нуфузли турнир — Австралия очик чемпионати голиби бўлди. Финал учрашувда у испаниялик маҳоратли теннисчи Рафаэль Надалга қарши кураш олиб бориб, баҳсини 5:7, 6:4, 6:2, 6:7 (5:7), 7:5 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилди.

Шуни айтиш керакки, финал учрашув 6 соатга яқин давом этди ва унда қаторасига иккита рекорд ўрнатилди, яъни у «Катта дубулга» таснифидagi турнирлар орасида ҳам, Австралия очик чемпионати тарихида ҳам узоқ вақт давом этган матч дея эътироф этилди.

«Australian Open»даги галаба Жоквич учун учинчи, «Катта дубулга» таснифига кирувчи турнирлардаги бешинчи муваффақият бўлди. Бу галаба билан Жоквич фаолияти давомида Надаль устидан еттинчи марта зафар кўчди.

«Australian Open»нинг аёллар ўртасидаги бахсларида эса беларуслик теннисчи Виктория Азаренко россиялик Мария Шарипова устидан 6:3, 6:0 ҳисобида галаба қозонди.

## КАРОЛИНА — ЕВРОПАДА ТЕНГСИЗ

Аёллар ўртасида спортнинг нафис турларидан бири — фигурали учш бўйича Европа чемпионатида италиялик спортчи Каролина Костнер олтин медаль соҳибаси бўлди. Жами 183 балл жамгарган Каролина мазкур чемпионатда тўртинчи марта галаба қозонди.



Кумуш медаль финляндиялик фигурали учуви Кирри Корпига насиб этди. У мурасасиз бахсларида жами 166,94 балл тўлашга эришди. Грузиялик спортчи Елена Гедваншвили эса 165,93 балл билан бронза медалига лойиқ деб топилди.

Чемпионатнинг аржақлар ўртасида ўтган бахсларида эса россиялик машҳур спортчи Евгений Плющенко шохсупанинг энг юқорисидан жой олди. Жуфтлик бахсларида ҳам россиялик спортчилар Татьяна Волосожар ҳамда Максим Траньков олтин медаль соҳибси бўлишди.

## ИНДИВИДУАЛЛИК — ЖАМОА ГАЛАБАСИ

Гандбол бўйича Сербияда ўтказилган Европа чемпионатида Дания терма жамоаси финалга қадар етиб келди ва галаба қозонди. Белград шаҳрида ўтказилган ҳал қилувчи матчда даниялик спортчилар турнир мезбонлари устидан 21:19 (9:7) ҳисобида зафар кўчди.

Айтиш мумкинки, мазкур мурасасиз ва ҳаяжонли дақиқаларга бой учрашувда даниялик спортчилар индивидуал маҳоратини ҳам ишга солишди. Голиб жамоа вакили Миккель Хансен, учрашув қаҳрамони бўлди, у рақиблар дарвозасига тўғуз марта тўп юрғиди.

Бронза медали учун кечган курашда эса хорватиялик гандболчилар испанларга қарши майдонга тушиши ва учрашувини ўз фойдасига ҳал қилиши — 31:27 (13:12).

Мазкур нуфузли мусобақада Дания терма жамоаси илк бор 2008 йилда галаба қозонганди.

## ХИТОЙЛИКЛАР ЕТАКЧИ

Канаданинг Калгар шаҳрида спринтер кўпкураши бўйича ўтказилаётган жаҳон чемпионатининг 500 метрлик масофани босиб ўтиш бахсларида хитойлик конькичи Ю Цзинь жаҳон рекордини янгилади.



Спортчи ярим километрлик масофани 36,94 сонияда босиб ўтди. Ундан аввалги энг яхши кўрсаткич эса олмон конькичиси Жени Вольфа тегишли эди (37,00 сония). Мазкур натижа билан Ю Цзинь умумий ҳисобда ҳам етакчиликка чиқиб олди, унинг ҳисобида ҳозир 111,875 балл бор.

Иккинчи ўринда канадалик Кристин Несбит (112,160 балл), учинчи ўринда яна бир хитойлик спортчи Ван Бейсин (112,695 балл) турбди.

**Ш.НАРЗУЛЛАЕВА тайёрлади.**

# БАХТИНИ АНДИЖОНДАН ТОПДИ

Фаргона водийсида белбоғли кураш қадимдан оммалашиб, ривожланиб келаётган бўлса, Сурхон воҳисидида бугун халқро кураш номини олган бухороча кураш усталари азалдан машҳурдилар. Илгари республикада ўтказилаётган кўпball спорт ўйинларида андижонликларга водийда миллий курашимизнинг яхши йўлга қўйилмагани панд берарди. Шу боис 2002 йили курашни вилоятда кенг оммалаштиришга жиддий киришилди. Сурхондарёдан мутахассислар вилоятга жалб этилди. Термизлик спорт устаси, ёш мураббий Собир Пардаевни бугун Андижонда жуда яхши танишди.

Собир Пардаев ўша пайтлари олимпия захиралари спорт мактаб-интернати деб номланган ўқув юртида кураш бўйича мураббий бўлиб ишга қабул қилинди ҳамда андижонлик ёшларга миллий курашимизнинг сир-синоитини завқ билан ўргата бошлади. Бу тез орада ўз самарасини берди. 2003 йили кураш бўйича усмирлар ўртасида ўтказилган республика чемпионатида андижонликлар 4-ўринни эгалладилар. Ваҳоланки, вилоятимиз полвонлари бир йил олдин умумжамоа ҳисобида 14-ўринда кўрсатилганди. Андижон шаҳрида ўтказилган «Универсиада-2010» спорт мусобақаларида эса фақат Тошкент шаҳри жамоасидан сўнг 2-ўринни кўлга киритишгани С.Пардаевнинг беминнат хизматлари самараси бўлса, ажабмас.

Хабарингиз бўлса, янги — 2012 йил арафасида Тошкентда кураш бўйича биллур соврин учун республика миқёсида эржақлар ва хотин-қизлар ўртасида беллашувлар бўлиб ўтди. Унда Андижон қишлоқ ҳўжалиги институти талабаси Шарофиддин Лутфуллаев (60 кг.) би-

вазн тоифаларида барча рақибларини енгиб, олтин медаль билан тақдирланди.

Шу ўринда Собир Пардаевнинг Андижонда мураббий сифатидагина эмас, шахсий ҳаётида ҳам бахтини топганини айтиш жоиз. У 2007 йили андижонлик таниқли спорт юлдузи Гулзира Каримова билан ўз ҳаёт йўлини боғлади. Гулзира ўша пайтда самбо бўйича ёшлар ўртасида икки қарра Сиёе чемпиони ва жаҳон чемпионати голиби сифатида тилларга тушиб улгурганди. Бугун у Собир Пардаев раҳбарлигида миллий курашимиз асрорини пухта ўлаштириб, у бўйича ҳам ажабий ютуқларни кўлга киритмоқда.

Кувонарли жиҳати шундаки, ёш оилада айни дамда Шоҳина исмли жажжи қизалоқ улғаймоқда. У яқинда 4 ёшга тўлади, аммо хозирданок курашнинг баъзи услубларини ўлаштириб олган. Буни кўрганлар «Полвонлик қизалоқнинг қонида бор-да», дейишди ҳайратланиб. Дарвоқе, полвонлар оиласининг энг улкан ютуғи, қувончи — шу ширин фарзанди бўлса, не ажаб. Зеро, оилани мустаҳкамловчи ришта ҳам фарзанд аслида. Фурсатдан фойдаланиб, Собир Пардаев оиласига тотувлик ва фаолиятда парвоз тилаймиз.

**О.СИДДИКОВ**  
Андижон вилояти

## Sportimiz jonkuyarlari

ринчи ва яна 7 нафар вилоятимиз вакили совриндорлар қаторидан жой олди.

Яқинда Англия пойтахти Лондон шаҳрида Ўзбекистон Президентини Ислам Каримов соврини учун кечган халқро турнирда юртимиз шарафини ҳимоя қилган андижонлик Ш.Лутфуллаев ва Андижон давлат университети талабаси Гулзира Каримова (52 кг.) ўз

Россия, Германия, Туркия, Грузия, Латвия, Литва ва Тожикистондан 150 нафарга яқин полвонлар ўз маҳоратини намойиш этди.

Унда 58 килограмм вазн тоифасида майдонга чиққан Ўзбекистонлик Зокир Мансуров барча беллашувларда зафар кўчиб, олтин медалга эга бўлди. 46 килограммгача вазн тоифасидаги полвонлар курашида эса яна бир иқтидорли вакилимиз Аббос Раҳмонов учини ўрин билан чекланди.

Самарқанд шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими тасарруфидаги 5-максус болалар ва усмирлар Олимпия захиралари спорт мактаби соврини учун камондан ўқ узш бўйича «Мустаҳкам оила йили»га бағишлаб вилоят биринчилиги ўтказилди.

Ушбу мусобақада республика халқро мусобақаларининг голиб ва совриндорлари билан биргаликда 30 нафардан ортиқ умидли ёш йигит-қизлар ҳам голиблик учун баҳс юритдилар.

Икки кун давом этган қизикarli ва мурасасиз беллашувлар якунида ўғил болалар ўртасида А.Мелкулян, А.Курвяков, С.Фулмонов, Ф.Ақромов, қизлар ўртасида С.Нурманова, М.Нурманова, М.Ақромова, Ф.Раҳимова голиб ва совриндорлар сафидан жой олди.

Уларга мақтов ёрликлари, эсдалик совгалари топширилди. Мусобақа якунида ушбу спорт тури бўйича вилоят терма жамоасига номзодлар саралаб олинди, республика ҳамда халқро мусобақаларда қатнашиш учун хозирлик кўриломоқда. Камончиларимиз Амет Умеров ва Баҳора Қосимова мураббийлигида шуғулланишмоқда.

**Мамажон АХМЕДОВ**

**Боку шаҳри (Озарбойжон)**да эркин кураш бўйича кадетлар ўртасида якунига етган халқро турнирда ўзбекистонлик курашчилар 1та олтин ва 1та бронза медални кўлга киритди.

Шуни айтиш керакки, мазкур Халқро спорт курашлари федерацияси (FILA) мусобақалари таъминига киритилган нуфузли халқро турнирда мезбонлардан ташқари, ҳамюртларимиз жамоаси, Қозғистон,

Халқ таълими тизимидаги муассасалар, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртлари ҳамда илмий-тадқиқот институтлари раҳбарлари диққатига!

**Ma'naviyat**  
НАШРИЁТИ

- монографиялар;
- китоблар;
- брошюралар;
- буклетлар ва турли идора бланklarини сифатли ва арзон нархларда чоп этади.

Манзилимиз: Ҳамза тумани, Тараққиёт 2-бек кўча, 2-уй.  
Телефонлар: 289-65-66, 289-46-64 (факс).



## ҚОР ЁҒАР...

Қор ёғар... дунёни қоплар оқ тушлар,  
Хайлга эрк берар сукунат ранги.  
Оппоқ фашисталар заминга тушар,  
Илохий супрасин қоққанда Тангри.



Қор ёғар... ҳар учқун нафис куй каби,  
Бармоқлар шевасин илғайди роля.  
Ихҳордан титрайди орзунинг лаби,  
Туйғулар биллурдек товланар ял-ял!

Қор ёғар... ҳар parcha tongdek munavvar,  
Зимистон чехрасин ёриштирар нур...  
Замин — хур келинчак, табиат — заргар,  
Харир либос узра териб чиқар дур.



Қор ёғар... ҳисларим руҳига пайваст,  
Учар нигоҳимда олмос товушлар...  
Гоҳ рашким уйғотар, гоҳ ширин ҳавас,  
Ёрим рўмолига қўнган оқ қушлар.

Қор тинди... тинмади лек дилда сурур,  
У ёққан аланга ловушлар мудом.  
Ҳали узун тушлар бағишлаб хузур,  
Қишининг эртаклари этади давом!

Зоҳиджон ОЛОВ



ЎзА суратлари.

**Ma'rifat**

**TA'SIS  
ETUVCHILAR:**

O'zbekiston Xalq ta'limi  
vazirligi, O'zbekiston Oliy  
va o'rta maxsus ta'lim  
vazirligi, O'zbekiston  
Ta'lim, fan va  
madaniyat xodimlari  
kasaba uyushmasi  
Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir:  
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Madamin ARIPJANOV,  
Jumanazar BEKNAZAROV, Baxtiyor  
DONIYOROV, Bahodir JOVLIYEV  
(bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),  
Akmal ISLOMOV (mas'ul kotib),  
Mahmuda MURZAYEVA, Husan  
NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari),  
Nurlan USMONOV (bosh muharrir  
o'rinbosari, "Учитель Узбекистана"),  
Aleksy CHUKARIN (mas'ul kotib,  
"Учитель Узбекистана"), Sa'dulla  
HAKIMOV.

Gazeta  
O'zbekiston Matbuot va axborot  
agentligida № 0067 raqam bilan  
ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416



9 772010 641009

INDEKS: 149, 150. Г-218.  
Тираж 55127.  
Hajmi 4 bosma taboq.  
Ofset usulida bosilgan,  
qog'oz bichimi A-3.

\*Ma'rifat-dan materiallarni ko'chirib bosish  
tahririyat ruxsati bilan amalga oshirish shart.  
Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqric  
qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,  
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: [www.marifat.uz](http://www.marifat.uz)

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy  
o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-  
53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi  
yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat,  
kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-  
54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari  
bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport  
yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing  
bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda  
erkin narxda

Dizaynerlar:  
Malohat TOSHOVA,  
Liliya BINASHEVA.  
Navbatchi muharrir:  
Oybuvi OCHILOVA.

Navbatchi: Sherali NAMOZOV.

\*Sharq nashriyot-matbaa  
aksionerlik kompaniyasi  
bosmaxonasi.

Korxonalar manzili: «Buyuk Turon»  
ko'chasi, 41-uy

ЎзА ахбори — 20.20  
Topshirildi — 21.20